Х-98

Ф.Хўжаев

# ЎЗБЕКИСТОНДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ



O'QITUVCHI

75.1
Х-98

Ф. ХЎЖАЕВ

# ЎЗБЕКИСТОНДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ

ТОШКЕНТ «ЎҚИТУВЧИ» — 1997

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати мустақил диёримизда спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор бермоқда.

Мустақил давлатимизнинг келажаги, албатта, соғлом авлодни тарбиялаб етиштириш билан бевосита боғлиқдир. Шундай экан, ёш авлод онгига аждодларимизнинг жисмоний тарбия ва спорт тарбияси анъаналарини сингдириш зарур.

Китобда спорт соҳасига оид муҳим масалалар ўз ифодасини топган бўлиб, у кенг халқ оммасига, ўқитувчилар ва тарбиячиларга мўлжалланган.

Х 98

**Хўжаев Ф.**

Ўзбекистонда жисмоний тарбия.— Т.: «Ўқитувчи», 1997. 56б.

ББК 75.1

JIZZAX DPI
INV. № 3791/1
KUTUBXONASI

Х $\frac{4201000000-100}{353(04)-97}$ 112—97

ISBN 5-645-02849-X

©«Ўқитувчи» нашриёти, 1997 й.

## КИРИШ

Мустақил Ўзбекистонимиз кун сайин забардаст давлатга айланмоқда. Бу осон кечаётгани йўқ, албатта Шунга мувофиқ ҳар бир соҳа эгалари давр талаби ва мавжуд шароитдан келиб чиққан ҳолда ўз фаолиятини кўриб чиқиб, қайта қурмоқда. Бу нарса жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ҳам муайян даражада ўз ифодасини топмоқда.

Азал-азалдан жисмоний тарбия ва спорт ижтимоий ҳаётнинг таркибий қисми саналган ва унинг ривожланиши ҳам ҳар бир даврнинг ўзига хос хусусиятлари билан узвий боғлиқликда бўлган.

Шу боис Ўзбекистон Республикаси ўз мустақил даврининг бошланишиданоқ жисмоний тарбия ва спорт жараёнининг жамият тараққиёти учун аҳамияти катта эканлигига жиддий эътиборни қаратди.

Чунончи, Олий кенгашнинг 1992 йил 14 январда қабул қилган «Жисмоний тарбия ва спорт» тўғрисидаги қонуни фикримиз асосидир.

Ушбу Қонунни қабул қилишда Ўзбекистон Республикасининг янги мустақил давлат сифатида бошлаган инсонпарвар сиёсати ҳал қилувчи рол ўйнади. Эндиликда мазкур Қонун жисмоний тарбия ва спорт жараёнида ижтимоий муносабатларни тартиблаштиришга, жисмоний тарбия соғломлаштириш ва спорт ишларининг ривожланишига ҳуқуқий кафолат бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлом авлод учун» (1993 йил) Фармони ушбу Қонуннинг амалда рўёбга чиқишига, Республика аҳолисининг жисмоний баркамолликка эришишига, табиатни муҳофаза қилишга, жисмоний ва маънавий маданиятларнинг узвий боғлиқлигини таъминлашга қаратилган.

Фармон Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мавжуд экологик вазиятни, аҳоли орасидаги мавжуд сурункали касалликларни ҳисобга олган ҳолда қабул қилинган.

Мазкур Фармон ёш оналар ва болалар соғлиғини мустаҳкамлаш ҳамда ёш авлодни соғлом келажагини таъминлаш учун ҳамма чора-тадбирларни ишга солган ҳолда илмий дастур ишлаб чиқишни талаб қилди.

Ана шундай дастур Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва мутасадди ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилди. Дастурда ёш авлодни соғломлаштириш муаммоларини комплекс равишда ҳал этиш асосий мақсад қилиб қўйилди. Шундай экан, жисмоний тарбия ва спорт жараёни ёрдамида ушбу дастурда қайд этилган муаммоларни ечиш бизнинг ҳам бурчимиздир. Чунки, жисмоний тарбия ва спорт соғломлаштириш ишларида асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

Соғлом авлод тарбиясини тўғри йўлга қўйишда уйда ота-оналар, мактабда педагоглар жамоаси, шунингдек, соғлиқни сақлаш ходимлари масъулдирлар. Кишилик жамияти ўтмишдан ёш авлодни бақувват ва соғлом қилиб тарбиялаш ишига кўпроқ амалий ёндашиб келган.

Айтиш лозимки, ташқи омилларнинг бола организмига: унинг баркамол вояга етишига, меҳнат фаолиятига, овқатланишига, яшаш тарзига бевосита таъсири бўлади. Шундай экан, барчанинг диққат-эътибори саломатликни мустаҳкамлашга, касалликларнинг олдини олишга, гигиеник қоидаларга қатъий риоя қилган ҳолда соғлом авлод ўстириб тарбиялашга қаратилган бўлмоғи керак.

Хуллас, келажак авлодни ҳар томонлама ривожланган, бақувват, жасур, кучли, ботир қилиб тарбиялаб Ватан мудофаасига лаббай деб жавоб берувчи қилиб тайёрлашимиз керак. Умид қиламизки, келажакда миллатимиз ўғил-қизлари спортнинг барча турларида улкан ютуқларни қўлга киритиб мустақил Республикамизнинг спортдаги шон-шуҳратини дунёга таратади.



## МУСТАҚИЛЛИК ВА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ

1991 йил 31 август куни ғоят буюк, оламшумул-тарихий воқеа юз берди. Шу кун Республика Олий Кенгаши минбаридан Ўзбекистон давлати мустақиллиги тантанали равишда эълон қилинди. Йиллар оша бу сана халқимиз учун энг қутлуғ ва энг унутилмас кун бўлиб қолиши муқаррар!

Ҳар қандай мустақил давлат ва унда ҳаёт кечирувчи ҳар бир халқ, миллат табиий бойликлари, яъни ер ости ва ер усти заҳиралари, тоғлари ва ўрмонлари, дарё-ю денгизлари, улкан шаҳарлари, гўзал иншоотлари билан ғурурланишга ҳақлидир.

Бироқ тарихий тажрибалар шундан далолат берадики, жамиятнинг ҳақиқий бойлиги, бу — инсон, инсон авлодидир. Жамият эл-юртига, ватанига садоқатли, иймон эътиқоди бутун, мард ва жасур, маънавияти юксак инсонлар билан ҳақли равишда фахрланади. Бу улуғвор, бетакрор бойлик эса ҳар қайси давлатнинг салоҳияти манбаидир.

Ана шундай ноёб фазилатларга эга бўлган авлодни тарбиялаб вояга етказаётган халқ келажакка очиқ кўз, катта ишонч билан қараши мумкин.

Бизлар ҳаётимизнинг, умримизнинг мазмунини фарзандсиз тасаввур эта олмайдиган халқмиз. Дунёга келиб муносиб фарзанд кўриш, иморат қилиш, кўчат ўтказиб боғ яратиш ота-боболаримиздан қолган қутлуғ меросдир.

Шукроналар бўлсинки, халқимиз тарихнинг машаққатли синовлари оша ўзининг ана шу олижаноб хусусиятларига завол етказмай сақлаб келди. Аждодларимиз ўз насл-насабларини умумбашарий туйғулар, ўлмас шарқ фалсафаси, миллий қадриятларимиз билан тарбия қилиб келдилар. Ота-боболаримиз асрлар давомида тилимизни, дилимиз ва динимизни, ўзбекнинг ўзлигини ҳар томонлама асраб-авайлаб, баркамол авлодларни вояга етказдилар. Ҳа, бундай фазилатлар асл заҳматкаш халқимизга муносибдирки, биз бу билан ҳар қанча ғурурлансак арзийди.

Бинобарин, олдимизда мустақил буюк давлат қуришдек мураккаб ва шарафли вазифа турган бир пайтда бу маънавий қадриятларнинг аҳамияти минг карра ортади. Нега деганда ҳар қандай улуғ мақсадларга етишиш, янги жамият, фаровон турмуш қуриш, гўзал ҳаёт барпо этиш, аввало, шу жамият аъзолари бўлган комил одамларга, баркамол ёш авлодга боғлиқдир. Шу боис халқимиз фарзандларимизнинг иқболини ўйлаб, қаттиқ бел боғлаб меҳнат қилаётган масъулиятли бир даврда мазкур тушунчалар янада теран маъно касб этади.

«Одамзот дунёда жуда кўпноёб ҳунарнинг эгаси бўлиши мумкин. Қурувчи, деҳқон, боғбон, шоир, олим, кучли спортчи бўлиб ном қозониш, мол-мулк, бойлик орттириш мумкин. Лекин Аллоҳ таоло инсонга ато этган катта бойлик, энг улуғ бурч борки, уни дунёдаги ҳеч бир нарса билан қиёслаб бўлмайди. Бу—фарзанд кўриб, ота бўлиш, она бўлиш бахтидир. Бу фақатгина бахту саодат эмас, балки яратганнинг олдида, элу юрт олдида жуда катта масъулият ҳам демакдир»[1].

Бу масъулият ҳар бир ота-онанинг ўз фарзандларини кучли, бақувват, эпчил, чаққон, ботир, матонатли, соғлом қилиб ўстириш билан бирга ватан манфаати йўлида хизмат қилишга тайёрлаш бурчида ифодаланади.

Пайғамбаримиз Муҳаммад Алайҳиссалом ота-оналарнинг масъулияти ҳақида гапириб: «Болаларимизни ёшлик давридан бошлаб сузишга, отда чопишга, қилич ушлашга, камондан ўқ узишга, кураш тушишга ўргатиш зарурдир»[2] деган эдилар.

Ҳар бир оқил инсоннинг муқаддас бурчи ва вазифаси, айтиш мумкинки, ҳаётининг маъноси қобил фарзандлар ўстириш, уларни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан мукаммал қилиб тарбиялашдан, уларни ватанига садоқатли кишилар қилиб вояга етказишдан иборатдир.

Юқорида эслатиб ўтганимиздек, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши 1992 йил 14 январда «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида» муҳим қонун қабул қилди. Ушбу ҳужжат билан соҳамиз биринчи марта ўз фаолиятининг мустаҳкам ҳуқуқий асосларига эга бўлди. Қонун жисмоний тарбия ҳамда спорт фаолиятида жамоат муносабатларини тўғри тартибга солишни ва Ўзбекистонда жисмоний тарбия, соғломлаштириш ва спорт ишини юксалтиришнинг ҳуқуқий кафолатини юзага келтирди. Қонун жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги қонунчилик амалиётини жаҳон тажрибасига ва республикамизнинг ўзига хос хусусиятларига мувофиқ қилди. Унинг 3-моддасида «Ота-оналар, ҳомийлар, васийлар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар оиладаги болаларнинг жисмонан ҳар томонлама камол топиши ва саломатлиги тўғрисида қайғуришлари, жисмоний тарбия ва спорт машқлари машғулотлари билан мунтазам шуғулланишида уларга зарур шароитлар яратиб беришлари ҳамда соғлом турмуш тарзида шахсан ўзлари намуна кўрсатишлари шарт»— дейилган.

Юртбошимизнинг жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантиришда «Соғлом авлод учун» ордени ва шу номдаги жамғармани таъсис этиш, жисмоний тарбия ва спорт бўйича махсус унвонларни жорий қилиш тўғрисидаги фармонларга имзо чекиши жисмоний тарбияни ривожлантиришда муҳим ўрин тутмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 15 апрелдаги «Соғлом авлод учун» журналини ташкил этиш тўғрисида қарорини ҳам бу соҳада қўйилган салмоқли қадам дейиш мумкин. Чунки, журналнинг асосий мақсади маънавий ва жисмоний баркамол авлодларни тарбиялаш ҳамда юқорида қайд этиб ўтилган давлат аҳамиятига молик вазифани амалга оширишда кенг аҳоли оммасини иштирок эттиришдир.

Бу миллий ва умуминсоний қадриятларни, ўтмиш меросимизнинг энг яхши анъаналарини шунингдек, энди шаклланиб келаётган янги удумларни аҳолини барча табақаларига етказиш:

— халқимиз генофондини соғломлаштириш, маънавий ва жисмонан баркамол инсонни тарбиялаш оила, давлат ва жамиятни муштарак мақсади эканлигини кенг тарғиб қилишга;

— таълим-тарбия, оналик ва болаликни муҳофаза

---

[1] **И. А. Каримовнинг** «Соғлом авлод учун» орденини топшириш маросимида сўзлаган **нутқидан.** Спорт рўзномаси, 1994 й., 6—12 май, 18-сони.
[2] Ҳадис 1-қисм, 237-бет.

қилиш тизимини такомиллаштириш учун кўмаклашишга қаратилгандир.

Бу журнал тарбиянинг ана шу жиҳатларини қамраб олган ҳолда мамлакатимизда комил инсонни вояга етказишга хизмат қиладиган, унинг маънавиятини юксак даражага кўтаришда кўмакдош муҳим матбуот воситаси бўлиб хизмат қилади.

Маънавият шундай бир тушунчаки, у юксак бўлса, инсонни яхши йўлга бошлайди ва у инсоннинг имон ва эътиқодини мустаҳкамлайди. Демак, маънавияти юксак инсон жисмоний тарбия ва спортга ҳам ақл билан ёндашса, кўзланган мақсадга эришади.

Ўзбекистон мустақил деб эълон қилингандан кейин ўтган давр мобайнида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш юзасидан амалга оширилган барча тадбирлардан шундай хулосага келиш мумкинки, республикамизда жисмоний тарбия соҳасида инсон ҳаётининг барча даврларини қамраб олган ўзига хос тизим шаклланмоқда. Бироқ ҳамма нарса аллақачон бажарилди, барча вазифалар ҳал қилинди, қийинчиликлар бартараф этилди деган хулосага келиш нотўғри бўлур эди. Биз жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш йўлининг бошида турибмиз. Ҳали олдимизда аҳолини жисмоний жиҳатдан ривожлантиришнинг жаҳон андозаси даражасига олиб чиқиш, юксак даражадаги меҳнат қобилиятини таъминлаш, ҳарбий хизматга чақирилувчиларни чиниқтириш, касалликларга чалинишнинг олдини олиш, туғруқ чоғида оналар ва чақалоқларнинг нобуд бўлишини олдини олиш, халқаро спорт мусобақаларида юқори натижаларга эришишдек муҳим вазифалар турибди.

Агар биз жисмоний тарбия ва спорт тўғрисидаги қонуннинг бажарилишини истасак, тармоқ раҳбар ташкилотларининг Қонунни жойларда ижросини таъминлашга қаратилган йўриқномалар ишлаб чиқишларига эришувимиз зарур. Ижро самарадорлигига эса ҳокимиятлар, тегишли вазирлик ва бирлашмаларнинг бирдамлиги орқали эришиш мумкин. Қонуннинг 5-моддасида маҳаллий Кенгашларга (Конституцияга мувофиқ ҳокимиятларга) ўз ҳудудида жисмоний тарбия ва спорт устидан раҳбарликни амалга ошириш мажбурияти юкланган. Хўш, бу ишлар биронта спорт иншооти йўқ пойтахт ва туманларнинг ўн минглаб аҳоли истиқомат қилаётган айрим мавзеларида қандай амалга оширила-



ётган экан? Буни ҳокимиятлар билан биргаликда ҳар бир маҳалланинг ўз моддий-техника базаси бўлишига ва ҳар қандай янги қурилиш объектини махсус жиҳозланган спорт масканисиз фойдаланишга қабул қилинмаслигига, ҳар бир маданият ва истироҳат боғини оммавий жисмоний тарбия соғломлаштириш жойига айланишига эриша олганимиздагина амалга ошириш мумкин.

Қонунни ҳаётга татбиқ этишда Ўзбекистон халқ таълими вазирлиги ҳам катта ишларни амалга оширишни режалаштирди. Чунончи биринчи навбатда болаларни ҳар томонлама жисмоний бақувват, эпчил, чаққон, кучли, ботир қилиб ҳамда уларни илмли, билимдон, зукко, маданиятли, маънавияти бой қилиб тарбиялашни кўзда тутган соғлом авлод дастурини ишлаб чиқишни амалга оширди.

Умумтаълим мактаблари I—XI синфлари учун жисмоний тарбия дастурининг ишлаб чиқилиши ва 9—11 синфларда жисмоний тарбия бўйича имтиҳонлар жорий қилиниши фикримиз асосидир. Кейинги пайтларда қурилаётган ҳар бир мактабда спорт зали қурилишининг мўлжалланиши, Тошкент шаҳридаги 24-мактабга ҳовуз қуриб берилиши, Юнусобод даҳасида теннис кортининг қурилиши, Фарғонада, Наманганда, Қаршида, Термиздаги теннис кортлари ва стадионларнинг қурилиши қабул қилинган қарорларнинг амалиётга татбиқ қилинаётганлигидан далолатдир.

Ижтимоий ўзгаришлар шароитида жисмоний тарбия ва спортда бозор муносабатларини шакллантиришимиз зарур. Барча тармоқларда ушбу муаммони бугуннинг ўзида ҳал этишлари лозим, йўқса тармоқлар умумий ҳаракатдан орқада қоладилар ва ўз вазифаларини бажара олмасликлари мумкин.

Шунинг учун тижорат тузилмалари, саноатчилар билан ҳамкорлик дастурларини тузиш, ҳомийлик муносабатлари янада ривожлантирилиши керак.

Республикамизнинг барча шаҳар ва қишлоқ мактабларида жисмоний тарбия ва спорт тўғрисидаги Қонун талабларини бажариш учун ҳар бир фуқаро онгига, ҳаётнинг барча жабҳаларидаги муваффақиятларни, шунингдек, миллат декофондини мустаҳкамлаш зарурлигини, соғлом турмуш тарзини вужудга келтириш, Ватанимизнинг иқтисодий, ижтимоий ютуғи унинг жисмо-

ний ҳолатига боғлиқлигини тарғибот воситалари орқали етказишимиз лозим.

Биз жисмоний тарбия ва спорт соҳаси мутахассислари ёш авлодни жисмоний тарбиялаш ишига қўшаётган ҳиссамизни кўпайтиришимиз лозим. Чунки ҳозирги пайтда мактаб ёшидаги ва ўсмирлик ёшидаги болаларнинг саломатлиги ташвишли аҳволда. Мутахассисларнинг берган маълумотларига қараганда биринчи синф ўқувчиларининг 70—80 фоизи сурункали ва функционал касалликка чалинганлар. Ўсмирлик ва ўспиринлик ёшидаги болаларнинг кўпчилиги функционал касалликлардан сурункали касалликларга ўтиш босқичидадир. Масалан, касалликлари кузатилаётган 15—20 фоиз биринчи синф ўқувчилари руҳий-асаб системасининг бузилиши 54 фоиздан 60 фоизгача ошди, 8—10-синф ўқувчилари орасида кўз касалликлари 2—3 фоиздан 27 фоизгача, суяк касаллиги 10—15 фоиздан 50—55 фоизгача ошди. Тошкент шаҳрида 15—17 ёшдаги мактаб ўқувчилари орасида мутлақо соғлом деб ҳисобланганлар 8,5 фоизни ташкил қилди.

Шундай экан, бундай вазиятдан қутулиш учун ўнлаб янги шифохоналар очиш, ботмон-ботмон дори-дармонлар сарфлаш ҳам мумкин, бироқ, бу ҳозирги аҳволда жиддий ўзгариш қилиши мумкинми?... Бизнингча болалар ва ёшларни жисмоний тарбиялашнинг илмий асосланган тизимини ишлаб чиқиш ва соғлом турмуш тарзигина юзага келган оғир аҳволни тубдан ўзгартириши мумкин. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида меҳнат қилаётган ходимлар янги дастурлар яратиши, уларни болалар боғчалари, яслилар, мактаблар, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида амалда татбиқ этишга эришишлари зарур.

Мустақиллик жисмоний тарбия-спорт ҳаракати амалиёти ва назариясига миллий қадриятлар ва миллий спорт турлари ва ўйинларини мамлакатимизнинг ҳудудий, миллий, иқлимий географик шароитларини ҳисобга олган ҳолда жорий қилишни, шунингдек, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Маҳмуд Кошғарий, Абу Али ибн Сино, Баҳовуддин Нақшбандий, Ат-Термизий, Амир Темур, Имом Исмоил Ал-Бухорий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бошқаларнинг жисмоний тарбия, саломатлик, ақлий ва ахлоқий тарбияга оид назарий билимларига амал қилган ҳолда янгича ёндашиш вазифасини қўйди:



Нақшбандий силсиласининг улуғ орифи ҳазрат Баҳовуддин илоҳий илм қонун-қоидаларини, одамлардаги ботиний, зоҳирий сифат ҳамда рамзий белгиларни чуқур билган ва уларга руҳий жиҳатдан таъсир эта олган. Ҳазрат Баҳовуддин Нақшбанд заифлашган, бетоб одамларни руҳий жиҳатдан даволаган, шу билан бирга жисмоний жиҳатдан соғломланишига кўмаклашган.

Ҳозирги кунда ҳазрат Баҳовуддиннинг инсон руҳий камолотга эришиш учун ғазаб, ҳирс, очкўзлик, хасислик иллатларидан фориғ бўлиши ва кўпдан-кўп ҳавои нафс, орзу-ҳаваслардан қутулиши ёки уларга чек қўйиши зарур. Бунинг учун сабр-тоқат, андиша билан ҳаёт кечириб, ўз шахсий меҳнати билан топилган ҳалол луқмага қаноат қилмоғи даркор, деган ўгит ва пандлари айни долзарб фикрлардир. Узоқ ўтмишдан инсон камолоти унинг жисмоний ва ақлий соғломлигига боғлиқ эканлиги ҳақидаги фикрлар маълум. Бу ҳақда қандай манбалардан билиб олиш мумкин. Бу тўғрида кўпдан-кўп диний рисолалар, китоблар гувоҳлик беради. Чунончи, «Ҳадис»нинг биринчи жилдида спорт элементлари бўлган қиличбозлик, пиёда юриш, тозалик ва саломатликни асраш ҳақида қимматли маълумотлар берилган.

Уша даврларда қиличбозлик, кураш тушиш, найзабозлик халқнинг ҳам, ҳукмдорларнинг ҳам севимли машғулотлари бўлганлиги ва уни севиб томоша қилганликлари баён қилинади. Бу ўринда яна шуни таъкидлаш лозимки, бу тадбирга фақат кўнгилочар томоша эмас, балки ёшларни жисмонан бақувват, эпчил, моҳир қилиб тарбиялаш, лозим бўлганда ўзини душмандан ҳимоя қилиш учун тайёргарлик, деб ҳам караш мумкин.

Сўнгги йилларда дунё таниган спортчилар жумладан, Муҳаммад Али, қўшиқчилардан Майкл Жексон ҳам ислом динига кирдилар ва унинг амалларини тан олдилар. Хўш нега шундай, деган ҳақли савол туғилади? Тақводорликни истаб қолишдими? Йўқ бунинг боиси фақат тақводорлик эмас, балки ислом динини амалларини бажариш, инсонни ақлий, ахлоқий ва маънавий поклигини, жисмоний камолотини таъминлар экан. Масалан: намоз ўқишга тайёргарлик жараёнида кўл, бўйин, гавда, оёқ бўғинларининг ҳаракатига доир бурилишлар, эгилишлар, ўтириб-туришлар бажарилса, овоз чиқариб қироат қилишда эса овоз пайлари ишга

тушиб ривож топади. Демак аъзои-баданни доимо тоза тутиш соғлиқ, софлик ва покликнинг гаровидир.

Бинобарин, баркамол инсон камолотига эришмоқ учун, ишни ёшликдан бошламоқлик бежиз эмас экан.

Хулоса қилиб айтганда, алломаларимиз ёзиб қолдирган ва тўплаган ҳадислардаги ижтимоий маънавиятни, таълим-тарбия, тозалик, саломатликни таъминлаш борасидаги ишончли ғояларни ҳозирги давр шароитларига мослаштириб, уларни кундалик турмуш маданиятимизнинг мазмунига сингдириш йўлларини излашимиз лозим. Бу билан аҳолини, айниқса ўқувчи ёшлар ҳаётини изга солиш, аждодларимиз қолдирган маданий ва маънавий меросларни асраб авайлаш, улардан керагича фойдаланиш мумкин бўлади.

Жаҳонга машҳур бўлган олим, тиббиёт илмининг буюк намояндаларидан бири Абу Али ибн Сино ўз даврида бадантарбия билан(жисмоний машқлардан) тан саломатлигини яхшилаш ва мустаҳкамлашда, касалликларнинг олдини олиш ва ундан тезда фориғ бўлиш ва бошқа ҳолларда кенг фойдаланиш масаласини кўп марта уқтирган ҳамда асарларида ифодалаган. Шунинг учун Ибн Сино «Киши саломатлигида югурмаса, касаллигида албатта югуради», деб бежиз айтмаган.

Буюк олим ўзининг машҳур «Тиб қонунлари» асаридаги учинчи қисмининг XVII фаслдан иборат бутун иккинчи бўлимини кишилар саломатлигини тиклаш ва мустаҳкамлашда жисмоний машиқлардан фойдаланиш масалаларига бағишлаган. Бу бўлимнинг дастлабки сатрларидан жисмоний машқлар билан меъёрида ва ўз вақтида шуғулланиш, ундан кейин овқатланиш ҳамда уйқу тартиби саломатлик учун кони фойда эканлиги таъкидлаб кўрсатилади.

Олим жисмоний машқларнинг киши саломатлигини сақлашнинг энг муҳим воситаси деб ҳисоблаш билан бирга жисмоний машқ, нафас олиш узлуксиз ва чуқур бўлишига олиб келувчи ихтиёрий ҳаракат эканини айтади.

Абу Али ибн Сино тиббиётда жисмоний машқларнинг роли катта эканлигини илмий асослаб, ўша вақтлардаёқ халқ миллий кураши ҳақида қимматли фикрларни ёзиб қолдирган. Масалан, у шундай деб ёзади: «Кураш ҳар хил турлардан иборат бўлган. Шулардан биттаси, икки эркак бир-бирларининг белбоғларини ушлаб ўзига тортади ва ҳар бири ўз рақибидан қутулишга интилади, ҳаракат қилади, лекин бири бошқасини қўйиб юбормайди. Курашнинг яна бир бошқа тури: бир-бирига оёқ солиш, чалиш, оёқ билан рақибининг оёғига тепиб йиқитиш».



Мана шу мисоллардан биз ўзбек миллий курашидаги қайтарма, қоқма, пойчечак ва қалмоқи усуллари қадимдан қўлланиб келинганлигини биламиз.

Шундай қилиб, Абу Али ибн Синонинг ёзишича, 1000 йил илгари ҳам миллий курашнинг икки тури бўлган. Шулардан бирида рақибининг белидан ушлашга рухсат берилган ва полвонлар оёқ ишлатмасдан олишишган. Иккинчи кураш турида эса гавданинг қаеридан ушлаб олса-да, оёқлари билан ҳаракат қилишгак, аммо ҳар иккала кураш турида ҳам қўл билан оёқдан олиш ман этилган.

Бу тур курашнинг республикамизда ривожланган кураш турлари билан қиёсласак, унинг бири миллий курашнинг фарғонача, иккинчиси бухороча усулларига тўғри келишини кўрамиз.

Олим тавсия этган икки тур курашнинг элементлари қандай ва у қай даража аниқ эканлигидан қатъи назар, қарийб минг йилча илгари маълум бўлган жисмоний машқлар ва спортнинг жуда кўп турларини тилга олганини алоҳида қайд қилиб ўтишимиз лозим.

Грек тарихчиси Квинт Курций Руф, Искандар Зулқарнайн қўшини Ўрта Осиёни забт қилиш вақтида 30 баҳодирни асир қилиб олганини ёзади. Баҳодирларнинг ўлдирилиши аниқ эди. Улар буни билганлари ҳолда, ўзларини мардонавор тутдилар, қўшиқ айтдилар, рақсга тушдилар. Бу билан ўзларининг ўлимни писанд қилмасликларини ифодаладилар. Искандар Зулқарнайн уларнинг қатъияти ва мардлигини кўриб ҳаётларини сақлаб қолди». (Квинт Курций Руф. История Александра Македонского М, 1965, 289-бет).

Милодимиздан илгари II—III асрларда яшаган грек ёзувчиси Элиан Клавдийнинг маълумотларига қараганда, бундан 2500 йил илгари, ота-боболаримиз даврида ҳам кураш кенг тарқалганлиги ҳақидаги фикр айтиб ўтилган.

Элианнинг ёзишича, ўша даврда уйланмоқчи бўлган сак қабиласининг ёш йигитлари ўзлари уйланадиган бўлғуси қайлиқларини албатта курашда енгиши шарт бўлган. Агар қиз ғолиб чиқса, енгилган курашчи уни

қули бўлиб хизмат қилган, борди-ю йигит енгиб чиқса, ҳукмронликни ўз қўлига олган.

Маълум бўлишича, ўша даврдаги ёш йигитлар ҳаёт талабига жавоб берадиган жисмоний тайёргарликни кураш воситаси орқали эгаллаганлар.

Элианнинг ҳикоялари Сак эпосидан олинган бўлиб, унинг айрим лавҳалари «Ўғизнома»да сақланиб қолган. «Ўғизнома» эпик достонда Бойбижоннинг қизи Бонунинг Кечек билан яккама-якка олишуви тасвирланган. Бу достон қаҳрамони Кечек пойгада қиздан ўзиши, қиз отган камон ўқини учиб кетаётганида бошқа ўқ отиб майда-майда қилиши ва ниҳоят, қизни курашда йиқитиши керак эди. Аёллар ўз жисмоний кучлари ва ҳарбий фазилатларини онгли равишда баҳолай олганлар. Улар ўз муҳаббатлари ва бахтларини ҳамда баҳодирликларини ўз севганлари кўз ўнгида жангда, қаҳрамонликда оқлашлари қатъий талаб қилинган.

Тарихдан маълумки, Искандар Зулқарнайн Ўрта Осиёга юриш бошлаган даврда жисмоний тарбия кенг ривожланган эди. Ўрта Осиёда ҳам қадимги Юнонистондаги олимпиада ўйинларига ўхшаш хилма-хил ўйинлар ўтказилган.

Искандар Зулқарнайн Ўрта Осиёга юриш қилганда ҳаддан ташқари толиққан эди. Шу боис дарё яқинига келганда оти ағдарилиб тушади. У отини турғазмоқчи бўлганда, қўлидан қамчиси тушиб оқиб кетади. Жаҳонгирнинг жаҳли чиқиб, «Йўлимда ким менга биринчи дуч келса қатл этаман» деб қасам ичади. Ва ниҳоят унга бир йўловчи тоғлик суғдий учрайди. Зулқарнайннинг ёнидаги вазири йўловчига сен йўқолган қамчи учун қатл қилинасан, дейди. Тоғлик суғдий мағрур жавоб беради. «Бир инсоннинг ўлими учун минг қамчи ҳам камлик қилади. Айниқса, менинг ўлимим учун» дейди. Шунда Искандар Зулқарнайн «Бунчалар мағрур бўлмасанг, ўзингга катта баҳо беряпсан» деганда, чўпон унга таъзим қилиб, — «Мен курашни яхши эгаллаганман», — дейди. Зулқарнайн «Менинг йигитларимни бир кўриб қўй бўлмасам» — деб икки грек полвонни кураштиради. Ҳар иккаласининг мускуллари бўртиб чиққан эди. Чўпон уларнинг курашини кузатиб туради. Охири бири иккинчисини кўтариб ерга урди. Шундан сўнг Зулқарнайн чўпонни ғолиб чиққан грек билан кураштиради. Тоғлик суғдий миллий кураш усули-



ни ниҳоятда пухта эгаллаган бўлиб, дарҳол рақибнинг белидан маҳкам ушлаб, кўтариб ташлайди. Кейин бирин-кетин бошқа полвонларни ҳам курагини ерга тегизади. Зулқарнайн бу суғдий қачон енгилар, экан деб тоқати тоқ бўлиб, бош қўриқчисига қарайди. Хуллас, у ўттизга яқин полвонни йиқитгач, Зулқарнайн мушти зўр жаллодни ўртага чақиради ва «Агар шуни ҳам енгсанг, тилагингни бажараман» дейди. Жаллод ўлимга маҳкум қилинганларни бир мушт билан уриб ўлдирадиган бўлади. Ниҳоят, охирги яккама-якка кураш бошланади. Жаллод кутилмаганда суғдийнинг йўғон бўйнига қараб бор кучи билан уради. Шунда суғдий ўзини тутиб қолиб, иккинчи маротаба тезлик билан келаётган жаллодни даст кўтариб, қаттиқ айлантириб, Искандарнинг оёғи остига улоқтиради. У ўрнидан туролмай қолади. Искандар Зулқарнайн суғдий энди олтин сўраса керак деб ўйлайди. Полвон эса «Мен бир йўловчи эдим, йўлимдан қолмай, тилагим шу» дейди. Искандар мулзам бўлиб қолади.

Кўриниб турибдики, тоғлик суғдий ҳақиқатан ҳам ўзини тоғ шунқори эканлигини, эпчил, чаққон, кучли, паҳлавон, ҳеч нарсадан қўрқмайдиган, ботир, жасурлигини, ҳар қандай қийин ҳолатда ҳам сабр-тоқат билан ўз сўзининг устидан чиқа оладиган эканлигини намойиш қилади.

Ўрта Осиё ҳудудларида кураш мусобақалари X асрларда ҳам ўтказилган. Масалан: хитойликларнинг «Тян шу» қўлёзма асарида кўрсатилишича Фарғонада Наврўз байрамида шаҳар аҳолиси икки гуруҳга бўлиниб, кураш тушганлиги таъкидланади.

XI асрда яшаб, ижод этган Маҳмуд Қошғарий номи билан машҳур бўлган ватандошимиз Маҳмуд Ибн Муҳаммад Қошғарий бундан 900 йил илгари қадимги туркман, ўгузлар, яғмолар, қирғиз халқларининг шаҳару қўрғонларини, қишлоғу яйловларини кезиб чиқиб, уларнинг сўз ва атамалари тўғрисида луғат-қомус тузиш нияти билан туркий уруғларнинг сўзларини тўплабди. Олим турли хил сўз маъноларини ўрганди, уларни муайян бир тартибга, солиб, «Девону луғотит-турк», яъни туркий сўзлар девонини тузиб чиқди. Маҳмуд Қошғарий бу девонини қарийб олти йил давомида ёзди. Бу девонида Туркистондан то Термиз шаҳригача ва Каспий, Орол соҳилларидан Тяньшан тоғи этакларигача бўлган ҳудудда яшаган халқлар ота-боболарининг та-

рихи, ўлкамиз географияси, уруғ, қабила, элатларнинг тил хусусиятларини, ёзма ва оғзаки адабиётини, кўчманчи туякашлар, йилқичилар, чўпонлар, ўтроқ деҳқонлар, боғбон ва косибларнинг тирикчилик усуллари, сўз талаффузлари ва турли сўз атамаларини ўз даврига нисбатан мукаммал ва ақлни лол қолдирадиган даражада зукколик билан ўрганиб чиқди.

Маҳмуд Кошғарий девонининг яна бир муҳим хусусияти шундаки, юқорида таъкидлаб кўрсатилган соҳалардан ташқари, унда халқ ўйинларининг 150 га яқин турлари тилга олинади ва шундан 20 га яқин ўйинларга таъриф берилади. Олим ўйин турлари, ўйинларнинг бола ва катталарнинг ёш хусусиятларига нисбатан тақсимоти, машғулот, мусобақа турларини баён қилади. Маҳмуд Кошғарий баёнида ўйинлар нафақат жисмоний, балки ақлий машғулотларга ҳам бўлинадики, улар диққат билан ўрганилишга лойиқ. Биз девондан ҳозирги спортнинг (агар шундай атама билан аташ жоиз бўлса) деярли кўп соҳаси, шу жумладан кураш ҳам ўша даврларда, яъни XI асрда мавжудлигини билиб оламиз.

Ҳозирда биз «Спорт мусобақалари» — деб қўллаб юрган ибора, Маҳмуд Кошғарий девонида «баҳс» атамаси билан берилган. Бундай «баҳслар»нинг турлари кўп бўлган. Масалан, мерганликда баҳс қилмоқ, ўқ ёй отиб қуш ва ҳайвонларни овламоқ, шунингдек, арқон тахтали сопқонларда тош отмоқ, баландга илиб қўйилган қовоқни мўлжалга олиб отмоқ баҳси. Буни «олтин қовоқ» ўйини деб атаганлар. Девонда бундай баҳсларнинг қоида ва шартлари, хиллари, ғолибларга бериладиган совринлар, асбоб-анжомларнинг номлари батафсил баён этилган. Кураш баҳси ҳам турлича бўлган, чунончи, боғдоди, чалиш, енг силкиш, бўйин қайтариш (ҳозирги француз курашини кўз олдига келтирайлик), балиқ ови, овчилик баҳслари шулар жумласидандир.

Юқоридагилардан маълум бўлдики, ўрта асрнинг буюк олими, мутафаккири Маҳмуд Кошғарийдан жисмоний тарбия ва спорт соҳаси бўйича ҳам муайян даражада фойдаланмоғимиз ва халқимизни, унинг ёш авлодини жисмоний, маънавий жиҳатдан мукаммал тарбиялаш ишимизда самарали натижаларга эришмоғимиз зарур.

Ўрта Осиёда уй ҳайвонларини ўргатишда, отдан улов сифатида, меҳнатни енгиллаштирувчи восита сифатида



энг қадим вақтлардан фойдаланиб келинган. Шунинг учун Ўрта Осиё халқларини от (уй ҳайвони, улов) сиз тасаввур қилиш қийин. Бинобарин халқнинг кўп удумларида тўй томошалари, «қиз қувди», «етиб ол», «улоқ» каби ўйин-томошаларида от доимо улар ҳамроҳи бўлиб келган. Шунингдек, отда юриб ов қилиш, от устида туриб камон тортиш, от устида кураш тушиш, от пойгаси, кўп карра сингари ўйинлар Ўрта Осиё халқлари орасида энг қадимдан пайдо бўлган ва улар такомиллашиб, кейинчалик бошқа халқлар ўртасида ҳам кенг тарқалган деб қараш, ҳақиқатга яқинроқдир. Чунончи, Ўрта Осиё халқларининг ҳаракатдаги миллий ўйинларининг кўпчилиги от билан амалга оширилган. Демак, *яхши чавандоз, моҳир мерган, кучли паҳлавон,* алп-баҳодир деган тушунчалар ҳам мана шундай миллий ўйинлар натижаси ўлароқ юзага келган, дейиш мумкин. Шунинг учун халқимиз ўртасида кенг ривож топган халқ ўйинларидан бири—курашдир.

Ўзбек миллий кураши ҳақида Фирдавсий ўзининг «Шоҳнома» асарида Эрон подшоси Баҳром Гўр билан Ҳиндистон подшоси Жангули полвонлари ўртасида бўлиб ўтган олишувни шундай таърифлайди.

Икки дев қоматни чорлайди Жангули,
Курашда бахтимиз синанг,—деди ул
Ул марди майдонлар маҳкам бел боғлаб,
Даврага тушдилар курашни чоғлаб,
Чирмашиб икки зўр олишардилар.
Бир-бирларига шердай чанг солишардилар,
Жангулига деди: Аё шаҳриёр,
Буюр, мен курашни этгум ихтиёр.
Жангули кулиб деди: «Майли туракол,
Гар йиқсанг қонни тўк, бошни ол»,
Бу сўзни эшитиб, тик турди Баҳром,
Гардон эгиб, қилди майдонда хиром.

Темурийлар ҳукмронлиги даврида (1370—1570) ўзбек феодал давлати ҳаётида ҳарбий санъат ҳамда жисмоний машқларнинг хилма-хил турлари янада ривож топди. Буни исботловчи далилий манбалар кўп. Чунончи, Амир Темур ўгитларида қуйидагилар баён этилади.

Ўғилларим, набираларим ва яқинларимни уйлантирмоқ ташвишида келин изламоққа эътибор бердим. Бу ишни давлат юмушлари билан тенг кўрдим. Келин бўлмишнинг насл-насабини, етти пуштини суриштирдим. Хос одамлар орқали соғлиқ-саломатлигини, жисмонан камолотини аниқладим. Келин бўлмиш[illegible]



JIZZAX DPI
INV. № 3791/1
KUTUBXONASI

одоб-ахлоқи, соғлом ва бақувватлиги билан барча қусурлардан холи бўлсагина эл-юртга тўй-томоша бериб, келин туширдим.

Ўғилларим, набираларим ва яқинларимга бирон томчи шароб ичиб, хотинларига яқинлашишни ман этдим. Зеро, шаробнинг таъсирида бунёдга келган фарзанд — насл-насабнинг бузилишига таъсир этгай, дебон шу покиза йўлни тутдим.

Темур ва унинг лашкарбошилари жангчиларнинг жисмоний чиниққан, бақувват ва эпчил бўлиши муҳимлигини яхши тушунардилар, жуда кўп ҳарбий юришлар тақдирини жангчиларнинг маҳорати ва жасорати ҳал қилар эди. Шу боис Амир Темур аскарлар танлашда қуйидагиларга эътибор берар эди. Қўшин тузиб, навкар олмоқда уч қоидага амал қилдим: *биринчидан*— йигитнинг куч-қувватига, *иккинчидан*—қилични ўйната олишига, *учинчидан*—ақл-заковати-ю, камолотига эътибор қилдим. Шу фазилатлар жамулжам бўлса, навкарлик хизматига олдим. Негаки, куч-қувватли йигит ҳар қандай қийинчиликларга, азобу уқубатларга чидамли бўлади, қилич ўйната оладиган киши рақибини мағлуб эта олади, оқил навкар ҳар жойда ақл-идрокини ишга солиб, мушкулотни даф этмоғи мумкин. (Амир Темур ўгитлари, Тошкент «Наврўз»—1992, 63-бет).

Қарши қалъасини ишғол қилиш учун жанг лавҳаларидан бирида шундай дейилади: «Жанг пайтида шундай воқеа рўй берди: душман тарафидан ботирлиги ва бақувватлиги билан элга танилган Мусо Ўзбек довруғи ўзидан кам бўлмаган Темур Ғози Бургонийга яқинлашади-да, мўлжаллаб унинг бошига қилич уради. Лекин Ғози-Бургоний баҳодир чап бериб, унинг қўлини ушлаб қолади. Сўнгра Мусо Ўзбекнинг қўлларини қушнинг қанотларини қайиргандек орқасига қайтариб, қаср ичига олиб кирди... Ушбу лавҳани келтиришдан мақсад: ҳозирги кундаги «Самбо» усулларининг ўша вақтлардаёқ мавжуд эканлигини кўрсатишдир.

Соҳибқирон жангчи-паҳлавонларининг шуҳрати ўша кезларда ҳам дунё узра таралган эди. Фикримизга далил сифатида Соҳибқироннинг ҳаётига доир қуйидаги лавҳани келтиришни жоиз деб билдик.

Амир Темур саройига келган испаниялик сайёҳ Руи Гонзелес де Клавихо ўз кундалигига қуйидагиларни қайд этиб қўйган эди: «Бу лочин халқнинг от устида қандай юришини ўз кўзи билан кўрмаган киши ишон-



майди»... У икки полвон курашини мана бундай тасвирлаган: «...Эгнига енгсиз камзулга ўхшатиб тикилган чарм либос кийиб олган икки полвон тик туриб олишар ва бир-бирини йиқита олмас эди. Ниҳоят, улардан бири устун чиқиб, рақибини ерга ағдаради ва анча вақтгача унинг туриб олишига йўл қўймайди, босиб ётади, айтишларича, агар у ўрнидан туриб кетса, йиқилган ҳисобланмас экан».

Уруш оқибатини кўпинча икки жангчи паҳлавоннинг бевосита олишуви ҳал этганлиги тўғрисидаги қизиқарли маълумотлар ҳам диққатга сазовордир. Масалан, Шарофутдин Али Яздий ўзининг «Зафарнома» китобида Темурнинг Хоразм хони Ҳусайн Суфийга икки ўртадаги низони уруш билан эмас, балки яккама-якка олишув йўли билан ҳал этишни таклиф қилгани тўғрисида маълумот фикримизга асосдир. Бўлғуси подшоҳ —Амир Темурга 16—18 ёшга кирганда қиличбозлик, найзабозлик, камон отиш, курашиш ва айниқса ов овлашда унга тенг келадиган тенгқур топилмаган. У 20 ёшида чавандозлик билан шуғулланганди. Темур болалигидан ҳарбий ўйинларни ёқтирган. У кўпгина тенгқурларини икки гуруҳга бўлиб, жанг машқларини бажарарди.

Дунё аҳли каратэ, теэквандо, ушу, канфу ва уларнинг тарғиботчилари Брюс Ли, Чак Норрис, Жек Чан ҳақида кўп гапиришарди, энди туркий халқларнинг жанговар санъати «1000 аскар» ҳақида гапирсалар ажаб эмас. Бу ҳақда унинг фидойиси Машраб Матёқуб ўғли қуйидагиларни гапириб берди. Унинг Амир Темур давридаги жанговар санъат ҳақида мулоҳазакорлик билан фикр юритиб, тарихий манбаларга асосланиб гапириши, фавқулодда мантиқий хулосалар чиқариши бизни лол қолдиради. У бу санъат ҳақида гапириб «1000 аскар» дейилишининг сабабини қуйидагича тушунтиради: Бу жанговар санъатнинг минг хил услуби бўлиб, бир услубини билган киши «бир аскарлик», икки услубини билган киши «икки аскарлик» дейилади. Демак бу санъатнинг мингдан ортиқ услублари мавжуд бўлиб, барча услубларини билган киши 1000 аскарли киши ҳисобланади, дейди.

Бундан 1200—1300 йиллар илгари ёзилган тарихий асарларда ҳам бу жанговар санъатга оид маълумотлар берилган. Бинобарин, бу «1000 аскар»нинг қадим даврларда пайдо бўлганидан дарак беради. Амир Темур замонига келиб эса бошқа санъатлар каби «1000 аскар»

ҳам энг юқори нуқтасига кўтарилган. Сабаби соҳибқирон бобомиз аскарларнинг умумий жисмоний тайёргарлигига алоҳида эътибор берган. Буни унинг «Аскари кувватли мамлакат бой бўлур, бой мамлакатнинг аскари кувватли бўлур» деган ҳикматли гапи ҳам тасдиқлаб турибди.

Сиз бу санъатни кимдан ўргангансиз деб сўраганларида, у киши меъморлар сулоласи, наққошлар сулоласи бўлганидек, «1000 аскар» ни билган кўплаб сулолалар яшаган. Мен бу санъатни отамдан ўрганганман, отамга бобоси ўргатган: Отам қишлоқдан чеккароқда, чўл қуйнида хунбузчилик (ғишт пишириш) билан шуғулланган. Асосийси, эл кўзидан йироқда машқ қилган. Мен ҳам шу жойда бу санъат сирларидан огоҳ бўлганман. Одатда, тинимсиз машқ қилган одам қирқ ёшга етиб, «1000 аскар» услубларини мукаммал эгаллаши мумкин.

Бу санъатни ўрганишга кўп вақт талаб қилинган. Бироқ, зарурат туғилганда айрим услубларни тез ўргатишган экан. Чунончи, Амир Темур аскарлари кўп йиллик сафарларга жўнаб кетишидан олдин аёлларига оддий ўқловлардан жанговар қурол сифатида қандай фойдаланишни саноқли кунларда ўргатишган экан. Натижада, оддий ўқлов аёллар қўлида «сеҳрли таёқча»га —жанговар қуролга айланган.

Айнан халқ ўйинлари орқали «1000 аскар» элементлари болалар ўйинларидан ҳам муносиб жой олган. Мисол учун «ошиқ» ўйинини олайлик. Агар ошиқ това ҳолатида қолса, тиззада туришган. Борди-ю, олчи умба ҳолатида қолса, бола боши билан туришга мажбур бўлган. Буларнинг барчаси «1000 аскар» санъатидаги гимнастик ҳаракатлар дейиш мумкин. Бундан ташқари, «аскар-аскар» ўйини болаларни бевосита шу жанговар санъатга тайёрлаган.

Темур Малик, Жалолиддин Мангубердиларни «1000 аскар» жанговар санъатининг усталари сифатида тилга олиш мумкин. Чунки, у кам сонли навкари билан неча йиллар мўғул истилочиларини дам-бадам хавотирга солиб турган. Бизнингча, нафақат Мангуберди, балки унинг навкарлари ҳам «1000 аскар» санъатини мукаммал эгаллаган бўлсалар ажаб эмас. Чунки, жисмоний жиҳатдан етарли тайёргарлик кўрган мўғуллар ҳам уларнинг номини эшитганда зир-зир титрашган.



«(Спорт» рўзномаси 32-сон, (6003) 1993 йил, 20—26-август).

Соҳибқирон ўзидан илгари ўтган жаҳонгирларнинг фаолиятидаги муваффақият ва инқироз сабабларини доимий таҳлил қилиб, жуда кўп нарсани билиб олган ва ўрганган ва уларни ижодий ўзлаштирган. Маълумотларга кўра, Амир Темур навкарлари фақат қаҳр-ғазабга тўла ур-сур машқларини эмас, балки кишига хуш кайфият бағишловчи машқ ва машғулотлар билан ҳам шуғулланишган. Чунончи, «Товус тонги»ни шундай машқлар сарасига киритиш мумкин. Табиатда товусдан эрта турадиган гўзал, беозор қуш йўқ. Уни кўрганда ҳеч бир инсон ёмон кўз билан ҳам қарамайди. Шунинг учун бутун лашкарлар товус ҳаракатига тақлидан машқлар бажариб, бир-бирларининг чиройини кўриб завқланишган, енгил тортишган. Бундай машқлар мажмуаси 30 тадан иборат бўлган.

Бобомиз ҳар бир навкарнинг ҳар битта ҳаракатини эринмай кузатган эканлар. Шундай ҳоллар ҳам бўлган экан. «Агар навкарлардан бири қилич чопишиб ғанимни синдирар бўлса, ғаразгўй одамларнинг у ҳақда айтган гапларига қулоқ солмасинлар. Унинг қилган хизматларини яширмаслик лозим, аксинча бир хизматини ўнга йўйсинлар. Мартабасини оширсинлар, токи бошқа навкарлар буни кўриб жонбозлик қилишга рағбатлантирилсинлар», деган эканлар. (Амир Темур ўгитлари, Тошкент, 1992 йил).

Тарихий манбалардан маълумки, соҳибқирон ўз замонасининг тенгсиз найзабози, қиличбози, ёйандози, чавандози курашбози, ...эди. Негаки, буюк жаҳонгир болалигидан, жисмоний тарбияга, жанговар санъатларга қизиққан ва тинимсиз машқ қилган. Айниқса жисмоний тарбия ва спорт соҳасида у босиб ўтган йўл, аскарларни бадантарбияси ва уларни чиниқтиришда қўллаган услублари ҳозирги ёшларга ҳам ибратлидир.

Амир Темур дарё кечиб ўтишга ва сузишга ҳам катта эътибор берган. Тез оқувчи дарёдан кечиб ўтиш, сувда сузиш сирларини мукаммал эгаллаган бўлган. Дарё қирғоқларида туртиб чиққан тошларга арқон тортиб, улар ортидан шиддат билан чиқиб ҳужум қилишга моҳир бўлган.

Хуллас, юқорида баён этилганлардан маълум бўладики, Амир Темур жисмоний машқ ва машғулотлар ор-

қали мардлик, эпчиллик, чидамлилик сифатларини ўзида ҳам аскарларида ҳам бирдек мукаммал тарбиялаб борган ва у амалда синалган хусусан Она Ватанни мўғуллар истилосидан озод этишда қўл келган, жабрдийда халқни асоратдан олиб чиқиб, рўшнолик берган улуғ инсондир.

Бобокалонларимизни таърифлашганда етти пушти шоир, бахши, ҳофиз, чавандоз, ёйандоз, қиличбоз, паҳлавон ўтган дейишади. Бу гапда жон бор, чунки, аждодларимиз жанг майдонида ўзини қандай тутишини, қабоқни бехато уришини, пойгада маҳорат кўрсатишини, курашда ҳаммани доғда қолдиришини, юз қадамдан тўғри мўлжалга олишини, ўланни қиёмига етказиб айтишини ким билмайди дейсиз. Яъни, кўҳна Турон заминида катта-катта давлатларнинг ботир ўғлонлари юрагига ваҳима солган минглаб Алпомиш келбатли баҳодирлар сулоласи яшаб ўтган. Ўтмишда яшаб ўтган муаррихларимиз асарлари ва халқ оғзаки ижодини ўқиб чиққан киши бунга ишонч ҳосил қилади. Ҳиротлик буюк шоиримиз Абулқосим Фирдавсийнинг машҳур «Шоҳнома»сида таъкидланишича, Эрон ва Туронда жуда қадим замонларданоқ айнан ҳозирги олимпия ўйинларига ўхшамасада, шунга яқинроқ бўлган турли хилдаги жисмоний синовлар, кўриклар, баҳслар, беллашувлар, қуролли ва қуролсиз жанглар, мусобақалар доимий ўтказиб келинган. Айниқса «Кураш», «Кўпкари», «Чавгон», «Пойга», «Олтин қабоқ», «Қиличбозлик» «Ёйандозлик», «Паҳлавонлик» мусобақалари халқ ичида оммавийлашиб, катта шуҳрат топган. Халқаро майдонда (шарқ давлатларида) ҳам айнан шу томошалар машҳур бўлган.

Бундай тадбирлар тўйларда, сайилларда, байрамларда, йиғинларда ёки бошқа муносабатлар билан ҳукмдорлар буйруғига биноан ўтказилган. Мусобақалар кўпроқ баҳор фасллари эрталаб қуёш ўзининг заррин нурларини она заминга соча бошлаган пайтда қир ва адирлардаги сайилгоҳларда бошланиб, то қош қорайгунга қадар давом этган. Унда ғолиб чиққан барча йигитларга махсус совғалар, либослар ва олтин тангалар улашилган. Энг машҳурлари номига «баҳодир», «паҳлавон», «чавандоз», «ёйандоз», «қиличбоз», мусобақани бошқарган ҳакамларга эса «баковул» сўзлари қўшилиб айтилган. Фикримизга асос сифатида хоразмлик Паҳлавон Маҳмудни, Темур Маликни, Жалолиддин Мангубердини эслатиб ўтишнинг ўзи кифоя қилса керак.



Хоразмлик Паҳлавон Маҳмуд (1243—1326) XIII асрнинг иккинчи ярми ва XIV асрнинг бошларида яшаган. Маҳмуд ёшлигиданоқ жисмоний бақувват йигит бўлиб етишади, полвонлик билан шуғулланади ва унинг сирларини яхши ўрганиб олади. Паҳлавон Маҳмуд кўпгина юртларга саёҳат қилган бўлиб, у Эронда, Ҳиндистонда ва бошқа шарқ мамлакатларида бўлади. Ўрта Осиё бўйлаб юрган ва ҳамма ерда полвонлар билан кураш тушган. Лекин ҳеч қаерда: на ўз Ватанида ва на хорижда унинг кураги ерга теккан эмас. Паҳлавон Маҳмуднинг номи кўпгина афсона ва ривоятлар билан боғлиқ. Бу афсоналарда халқ ўзини полвонга бўлган муҳаббатини, ҳурматини ифода этган. Шунинг учун ҳам халқ баҳодири фақат кучли кишигина эмас, балки ҳаққоний киши ҳамдир.

Ана шундай ривоятлардан бири Маҳмуднинг Ҳиндистонликлар сафида туриб, Ҳиндистон душманларига қарши жанг қилганлиги ҳақидадир. Жанг пайтида у ўз ҳаётини хавф-хатарга қўйиб, раджа Рай Ропой Чунни ўлимдан сақлаб қолади. Миннатдор бўлган раджа полвонга ҳокимлик мансабини ва бирмунча бойликни таклиф қилади. Лекин Маҳмуд ҳеч нарса олмайди. Аммо у раджадан, агар мумкин бўлса, мукофот эвазига ўн минг хоразмлик бандиларни озод этишни илтимос қилади. Хоразмлик полвоннинг олижанoблигига қойил қолган раджа полвоннинг илтимосини бажо келтиради. Паҳлавон Маҳмуд фақат курашчи-полвонгина эмас, балки шоир, мутафаккир, ҳар жиҳатдан етук киши бўлган. Унда юксак маданиятлилик, инсонпарварлик ва жисмоний камолот мужассамлашган эди.

Ёки Бухоролик Рўзимурод полвон, тошкентлик Аҳмад полвон ва сурхондарёлик Бўри полвонни ким билмайди дейсиз. Улар ҳам «Паҳлавонлик унвони»ни бир умр сақлаб қолишга муваффақ бўлишган.

Ўтмишда маълум ва машҳур бўлган халқпарвар шоир, ёзувчилар ўзларидан фақат қимматли асарлар эмас, балки халққа амалий фойда келтирадиган бинолар («Даволаш уйи») қурдириб қолдирганлар.

Ана шундайлардан бири, шеърият султони Алишер Навоий эди. У оқиллик, ахлоқийлик, саломатлик ҳақида фақат шеър битиб қолмасдан, балки халқнинг

соғлиғи ҳақида қайғуриб беморларга дори-дармон билан эмас, балки жисмоний машқлар ёрдамида даволаш ва дарс бериш билан шуғулланиладиган «Дорушифо» («Даволаш уйи») ни қурдирди.

Буюк бобомиз Навоийнинг: «Одам учун доим ҳаракатда бўлиш ҳаётликдан асардир: жонсиз мавжудотлар — тириклик нишонасидан бехабардир», деган ҳикматли сўзлари бугунги кунда ҳам қимматлидир. Дарҳақиқат ҳаракат, инсон ҳаётининг негизи эканлиги сир эмас.

Алишер Навоий дунёвий илмлар билан бирга диний илмларни ҳам чуқур билган ва у айниқса, илму-бадан ёки бадан илмини ўрганишни ҳар бир инсон учун у ким бўлишидан қатъи назар, асосий шарт қилиб қўяди.

> Ул уч дин илми-ю бу бир бадандур,
> Булар муҳтож яхши гар, ёмондур.

Тан нечоғлик соғ бўлса, кўнгил шунчалик равшан, таъб хушчақчақ бўлади. «Кўнгил бадан мулкининг подшоҳидур», — дейди мутафаккир. Кўнгилнинг саломатлиги — баданнинг ҳам саломатлиги; унинг нотоблиги — бунинг ҳам нотоблиги, яъни:

Мулк учун мамлакатни осойишта таъминда тутиб турувчи соғлом подшоҳ керак.

Тан учун бадан мулкининг шоҳи бўлган аъзо керак.

Тан олиш керакки, миллий спортимиз тарихи ва бадантарбия соҳасига ҳали жиддий қўл уриб чуқур ўрганилган эмас. Бунинг учун эса кўплаб воқеаномалар, сафарномалар, жангномалар, пандномаларни ўқиб-ўрганишимизга тўғри келади. Айниқса бобокалонимиз Алишер Навоий асарларидан бу тўғрида кўплаб маълумотлар олиш имкони бор: қанчадан-қанча атамалар, ташбеҳлар, баъзи ўйин ва туркумларнинг тавсифи, лавҳалар инжулардек сочилиб ётибди уларни териб тўплайдиган кези келди. Чунончи, «Фарҳод ва Ширин» достонида қуйидаги маълумотларга дуч келамиз. Алишер Навоий Фарҳоднинг ҳарбий машқларининг барчаси билан махсус шуғуллангани тўғрисида сўзлар экан, *«дилварлик»* деган атамани ишлатади:

> Улум авроқи чун бир-бир ёпилди,
> Дилварлик силоҳи майли қилди.



Яъни Фарҳод маънавий билимлар («улум»)ни ўзлаштириб бўлгач, *дилварлик* санъатларини ҳам пухта эгаллашга ҳаракат қилган (Алишер Навоий. «Хамса» 175-бет).

Фарҳод нишонга отиш, найзабозлик, кураш тушиш, қиличбозлик каби машқларда ҳаммани лол қолдирган. Шарқдан туриб мағрибдаги нишонни урган. Қилич билан ер юзида ёриқлар пайдо этган, тоғларни бурда-бурда қилиб юборган. Бу ўринда муболаға бор албатта, бироқ бу тасвирда шоир Фарҳоднинг ниҳоятда кучқудратли, моҳир, чаққон, эпчил, мардлик сифатларини кўрсатишга интилган.

> Олиб кавси-кузах чекмакқа куллоб,
> Туриб машриқ, этиб мағрибга паритоб.
> Қаро тун гар нишон айлаб Сухони,
> Фалакча новокига ул нишони.

(Алишер Навоий, Хамса, 175-бет.)

Навоий тасвирлаган ҳарбий машқларнинг ҳозирги спортга қандай алоқаси бор?, деган ҳақли савол туғилиши табиий. Албатта, Навоий тасвир этган ҳарбий машқлар айнан ҳозирги спортни ифода этмасада, машқларда учрайдиган унсурлар баъзи спорт турларини акс эттиради. Масалан: «Садди Искандарий» достонининг бош қаҳрамони лашкарбоши шоҳ Искандар Бирбери билан Барик Эрон шоҳи Дари-Хуррам полвонлари ўртасидаги яккама-якка олишувлари фикримиз асосидир (Алишер Навоий. «Хамса», 653-бет).

Навоий умуман жисмонан кучли одамларни ўз давридаги кенг расм бўлган атамадан фойдаланган ҳолда *«паҳлавон»* деб, курашни касб қилиб олган полвонларни *«зўргар»* деб атаган. «Лисонут тайр» достонида ажойиб ҳикоят бўлиб, қуйидаги байт билан бошланади:

> Бор эди бир паҳлавони зўргар,
> Беҳунарлиғ фаннида соҳибҳунар.

Шоир Паҳлавон Муҳаммадни маънавий камолотда беназир сиймо, қадрдон дўст, мусоҳиби ва маҳрами сифатида кўрсатади. «Мажолис ун нафоис»нинг тўртинчи мажлиси Паҳлавон Муҳаммаднинг тавсифи билан бошланади. Навоий уни мусиқа соҳасида ниҳоятда билимдон эканлигини таърифлаб ҳатто, унинг бир рубойиси Ҳусайн Бойқарога ёқиб қолиб унга минг тилло иноят қилгани ҳақида ёзганди. Аммо паҳлавоннинг

фазилатлари орасида кураш илми етакчи ўринда туришини алоҳида қайд этади: «Гушти фани бовужуди улким, анинг андоқ ҳақ ва мулкидуркім, маълум эмаским, ҳаргиз бу фанда андоқ пайдо бўлмиш бўлгай».

Шу ўринда ҳам янги атамаларга дуч келамиз. Чунончи, «*Гуштигир*». Юқорида тилга олинган «*зўргар*»га ўхшаб майдонда кураш тушувчи полвон деган маънони билдиради. Бундан ташқари, «*Гушти фани*» деган ибора бўлиб, кураш илми демакдир. «*Гушти*» атамаси ҳам эслатиб ўтганимиздек «*зўри*» дегандай гап, яъни курашчи полвонларнинг майдонда беллашувидир.

Шоир «Ҳолати Паҳлавон Муҳаммад» асарида кураш ва полвон маъносидаги «*гуштигир*» иборасини ишлатади. Паҳлавон Муҳаммад таякхонасида уюшган юзга яқин пуштигирни тилга олар экан, Навоий шундан ўнтаси *талабкаси*, йигирмага яқин *қадаргир* ва жали *навхоста* бўлиб, барчаси *таъарака* тутадилар, дейди. Демак, ўттизга яқин кишп *малакали полвонлар* бўлиб, қолганлари шогирдлар экан. Малакали пуштигирларнинг *талабкаш*, *қадаргир* ва *навхоста* деб уч гуруҳга ажратилиши ҳам қизиқ. Талабкаш — бу рақибни *танлаб беллашувчи*, қадаргир рақибини тезлик билан *йиқитишга ҳаракат қилувчи*, навхоста — *майдонга яқинда тушган* полвон дегани бўлса керак.

Хулласи калом, жамики полвонлар, шунингдек бошқа санъаткорлар ҳам Паҳлавон Муҳаммадни ўзларининг пирлари деб билганлар. Ахир, юзга яқин полвонни, ўн-ўн беш созанда, хонанда ва рақкосани идора қилиш, ёшларга таълим бериш, дастурлар тузиш, маърака тутиш, неъматлар тутиш, ҳар тоифа томошабиннинг кўнглини овлашнинг ўзи бўладими! Паҳлавон Муҳаммаднинг қўли остида катта бир ижодий жамоа иш кўрган. Ҳозирги тил билан айтилганда, Паҳлавон Муҳаммад ҳам директор, ҳам бош режиссёр, ҳам артист, ҳам мураббий сифатида кенг фаолият кўрсатган. Уюшмада полвонлар, созанда ва рақкосалар билан бирга бўлганлар. Афтидан, беллашув мусобақалари ҳам куй, ҳам қўшиқ, ҳам рақс билан боғлаб олиб борилган. Неъматбоднинг ўзида махсус томошагоҳ тарабхона ва беллашув майдони мавжуд бўлган бўлса керак.

«Ҳолати Паҳлавон Муҳаммад» рисоласи, «Фарҳод ва Ширин» ва «Садди Искандарий» достонларида ва баъзи бир ғазаллардаги сатрлар негизида асосан кураш тўғрисида фикр юритилади. Бундай мисол ва маъ-



лумотлар Алишер Навоий ижодида кўплаб топилади.

Баён этилган фикрлар илк хулосалар чиқаришга асос бўлади. Чунончи, Навоий замонида фақат Хуросонда эмас, балки Мовароуннаҳрда ҳам бадантарбияга, жисмоний ва руҳан соғлом бўлишига етарли эътибор берилиб, машқлар ҳамда оммавий мусобақалар ўтказиб турилган. Миршаблар, зобитлар орасида махсус дастур асосида ҳарбий машқлар ўтказилган. Қиличбозлик, камон отиш, оғир юк кўтариш, кураш, гурзи ва чўқмор ишлатиш шулар жумласидандир. Халқ ўртасида чавандозлик мусобақалари (пойга, улоқ, ағдариш, қиз қувди каби) шуҳрат қозонган. Махсус майдонда уюштириладиган томошаларда кураш ниҳоятда севимли бўлган. Куч синаш, беллашув, кураш кўп ҳолларда санъат воситалари билан йўғрилган ҳолда олиб борилганки, натижада у бошқа майдон томошаларига ўхшаб кетган.

Саломатлик инсон учун энг катта бойлик. Бу ҳаммага маълум. Минг афсуски, биз ўша олий неъмат тўғрисида уни йўқотгач, ёки ёмонлашгач ўйлашга одатланиб қолганмиз. Ўз мулкигаки шунчалар бефарқ қараган киши ўзгалар учун қандай жон куйдириши мумкин? Ҳолбуки, хушсурат қизлар ва барваста йигитларга дуч келгудек бўлсак, уларни таниш-танимаслигимиздан қатъи назар барибир кўзимиз қувонади, кўнглимиз ёришади, кайфиятимиз кўтарилади.

«Бахтимизнинг ўндан тўққиз улуши соғлигимизга боғлиқ», деганди А. Шопенгауэр. Ана шу сўзлардан келиб чиққан ҳолда қандай кишини соғлом инсон деб аташимиз мумкин? Бундай киши руҳан ва жисмонан кам-кўстсиз бўлсагина, соғлом деб айта оламиз. Агар жисмонан бенуқсон бўлган киши руҳан заиф бўлса, барибир унинг саломатлигини яхши дея олмаймиз. Чунки, ҳар бир ёки ҳар қандай касалликнинг негизи асабга бориб тақалади. Агар биз шарқ табобатига хусусан (япон, хитойларнинг) жисмни чиниқтириш усулларига назар ташласак, энг асосий эътибор инсоннинг руҳий жиҳатлари ва имкониятларига боғланганлигини кўрамиз.

Кейинги пайтда болаларнинг носоғ бўлиб туғилишида асосан шифокорларни айблаш урф бўлиб қолмоқда. Бироқ, бундай кўнгилсиз оқибатлар фақат уларга боғлиқ эмаслигини қайд этишни истардик, чунончи, зурриётларнинг соғлом дунёга келиши учун энг авва-

ло ота-оналарнинг соғлом бўлиши, ҳаром-ҳариш луқмалар истеъмол қилмаслиги, у пайдо бўлган биринчи кундан бошлабоқ соғлом муҳит, соғлом шароитда ўсиши талаб этилади. Аёл қорнидаги ҳомила учун энг яхши мудофаа — она кайфиятининг аъло даражада бўлишидир. Демоқчимизки, фарзандларимиз соғлом бўлиб, дунё юзини кўриши учун биз аввало уларга соғлом туғилиш бахтини, имкониятини беришимиз зарур. Бу эса ҳар бир ота-онанинг ўз қўлида ва бунинг учун у қадар катта нарса ҳам шарт эмас. Фақат тўққиз ой давомида ҳомиладор аёлни барча нохушликлардан асраб, уларнинг кўнгли ва раъйига қараб яшасак мақсадга мувофиқ бўлади.

Инсон яратилгандаги чиройни у бир умр сақлаши мумкин, бироқ у ўзига боғлиқ. Бунинг учун у тинимсиз ҳаракатда бўлиши ва жисмини хушбичим, қадди-қоматини келишган. қиладиган машқлар билан шуғулланиши даркор.

Гўзалликни ҳар бир халқ, ҳар бир миллат ўзича талқин қилади. Масалан, африкаликлар бўйи узун кишиларни гўзал деб ҳисоблашади. Японияда эса соҳибжамоллик терисининг нозиклиги оёқларининг тўғрилигига қараб баҳоланади. Бизнинг оналаримиз эса азал-азалдан қизларни аввало, қалбларига, сўнгра қош-кўзларига, юзларининг тиниқлигига қараб баҳолайдилар. Биз эса юқоридаги таърифга яна қадди-қоматнинг хушбичимлигини, гавдани чиройли тутиб, елкани ушлаб, дадил қадам ташлаб юришларини ҳам қўшишни истардик. Юқорида айтилган сифатларга эга бўлиш учун қуйидагиларга эътибор бериш керак.

Масалан, биз яшаб турган макон, шароит, об-ҳаво, атроф-муҳит бизнинг ташқи қиёфамиз ва ички дунёимизга таъсир кўрсатмай қолмайди. Шу боис гўзал бўлишни истаган одам кўпроқ табиийликка интилиши, табиий нарсаларни истеъмол қилиши, ейиши, кўриши, эшитиши керак. Масалан, тузнинг ўрнига баъзан-баъзан лимон шарбатини ичиши, гўштдан олинадиган оқсил миқдорини ёнғоқ, бодом, писта ва шу каби мева мағизларидан олиши лозим. Ширинлик ўрнида асал истеъмол қилинса ҳам жуда фойдали бўлади. Улар бизни баъзи нохушликлардан ҳамда семириб кетишдан асрайди.

Киши қоматининг чиройли, келишган бўлишида гимнастиканинг ўрни беқиёс.



Демак, бизнингча, тан тарбияси ҳар куни эрталаб юз-қўл ювишдек зарурий бир ҳолга айланиши ҳамда биз жисмоний машқлардан руҳий мадад олишимиз зарур. Албатта, бу нарсага бирданига эришиб бўлмайди, бунинг учун босқичма-босқич ҳаракат қилиш лозим. Биз ота-оналар фарзандларимизга чақалоқлик пайтларида биб-бинойидек гимнастика машқларини бажартирамизу, улар оёққа турганларидан сўнг бу ишни давом эттиришни унутамиз. Бола мактаб ёшига етгунга қадар катта танаффусни бошидан кечиради. Аслида бола она бағридан чиққач, у мактабга қатнагунча ҳам жисмоний тарбия машқларини мунтазам бажариб боришини йўлга қўймоқ керак.

Мустақил юртимиз келажаги буюк бўлиши энг аввало унинг фарзандлари саломатлигига боғлиқ. Эли соғлом юрт қудратли ва бой бўлади. Бой мамлакатнинг эли соғлом бўлади.

Эрта тонгдан спорт майдончаларида, кўчаларда югураётган, жисмоний машқлар бажараётган кишиларни кўрганда дилимиз яйрайди, лекин уларнинг орасида ўзбек йигит-қизларининг камлиги кўнглимизни ўкситади. Бадантарбия билан мунтазам шуғулланишда хосият кўп. Хусусан, бу ҳақда минг йил илгари Ибн Сино ҳазратлари шундай деганлар: «Бадантарбия билан машғул бўлинса, ҳеч қандай дори-дармонга ҳожат қолмайди, бунинг учун муайян тартибга риоя қилмоқ шарт». Дарҳақиқат, жисмоний машқлар танни соғлом қилади, одамга хуш кайфият бағишлайди, меҳнат унумдорлигини оширади, ҳатто турли касалликлардан фориғ айлайди.

Инсон ҳаётида бадантарбиянинг аҳамияти беқиёс эканлигини билатуриб, нега ака-укаларимиз, ўғил-қизларимиз шуғулланишмайди? Бундай саволга кимдир вақт йўқлигини, бошқаси таълим тизимида жисмоний тарбияга етарли эътибор берилмаётганлигини рўкач қилади. Қизлар ҳақида гап кетса, уларга спортнинг кераги йўқлигини уқтирадиганлар ҳам топилади. Албатта, булар бир баҳона. Қандай қилиб инсон бебаҳо бойлиги—саломатлигини мустаҳкамлаш учун вақт ажратиши мумкин эмас.

Қадимда жисмоний тарбия дарси деган тушунча бўлмаса-да, турли машқларни бажариш жисмоний эҳтиёжлардан бири ҳисобланган.

Шу ўринда тарихдан Амир Темур бобомизнинг бе-

назир кучли бўлганлигини, яъни қудуқдан қирқта кўл тортиб ололмаган меш тўла сувни бир ўзи тортганлигини кўришганлигини, Бобур Мирзо икки кўлтиғида икки аскарни девор устида ўтириб машқ қилишини яхши кўришини айтганлар.

Али Қушчининг маълумотига кўра, Улуғбек жисмонан соғлом ва бақувват одамларни бениҳоя ҳурмат қилган, унинг ўзи ов қилишни, камон отиш санъатини яхши эгаллаган. Улуғбек—инсон соғлом бўлиши керак, бунинг учун эса ёшлигидан жисмоний машқлар билан шуғулланиши лозим, чунки, бундай киши ўзини ранжитишга йўл бермайди ва Ватанни ҳимоя қила олади, деган экан.

Қизларимиз ҳам спорт билан шуғулланиб жаҳон, олимпия, Оврўпо чемпионлари бўлсин. Лекин ҳамма қизларимиз чемпион бўлиб етишсин демоқчи эмасмиз, албатта, аммо барча қизлар баҳоли қудрат ўз саломатлигини мустаҳкамлашга ёрдам берадиган бадантарбия машқларини бажаришлари зарур. Чунки улар бўлғуси муҳандис, тарбиячи, ўқитувчи, олима, давлат раҳбари ва ниҳоят, улар бўлғуси соғлом авлодни дунёга келтиришга сабаб бўлувчи оналардир. Хуллас, бадантарбия машқлари турмуш тарзимизнинг узвий бир қисмига айланиши даркор.

Маҳаллалар қадим-қадимдан шарқона яшаш, миллий урф-одатлар, қадриятлар, анъаналар, халқ удумлари тўла акс этган пурҳикмат макон бўлиб келган ва у кишиларни иймон-эътиқодли, меҳр-шафқатли, элу юрт юмушига камарбаста, Ватанга садоқатли тарзда тарбиялашда беқиёс аҳамият касб этган. Тўю маъракалар бошида маҳалла оқсоқоллари, энг нуфузли кишилар турганлар. Маҳаллаларнинг саранжом сариштатлиги, аҳолининг тинч осойишталиги, оилаларнинг мустаҳкамлиги ҳам доимо уларнинг эътиборида бўлган.

Шунинг учун юртбошимиз маҳалла ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг кўзгусидир, халқимизнинг энг яхши анъаналари, урф-одатлари, хусусан меҳр-шафқат, тўйда ҳам, азада ҳам эл-улуснинг ҳамжиҳатлиги маҳалла ҳаётида ёрқин намоён бўлган ва бўлмоқда, деган ибратли сўзларни айтгандилар.

Бугунги кунда маҳаллалар маҳаллий ҳокимиятнинг энг ишончли бўғини сифатида тан олинди. Маҳалла кўмиталарининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ва маънавий вазифаларни ҳал этишдаги иштирокини раг-



батлантириш чоралари кўрилмоқда. Маҳалла фаоллари халқ нонбалари сайланди, айримлари давлатимизнинг олий мукофоти билан тақдирландилар.

Маҳаллаларда фуқароларни жисмоний тарбияга жалб қилиш жуда муҳим масала. Ҳар бир маҳалла кўмитаси фаоллари, маҳалла аҳли, оилалар даврасида, ёшлар билан бўлган суҳбатларда ҳукуматимизнинг спортга бераётган жуда катта аҳамиятини доимо таъкидлашларини истардик. Инсон жисмоний тарбия билан шуғулланар экан, унинг ақли, шуури ўткир бўлади, у хотиржам ўз ишини бажаради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ташаббуси билан Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасининг ташкил этилиши, маҳаллалар фаолиятини, шулар қаторида жисмоний тарбия ва спортни биров бўлса ҳам жонлаштиришда муҳим ўрин эгаллади. Чунончи, Самарқанд шаҳар Сиёб туманидаги «Оби Машат» маҳалласида (маҳалла кўмитаси раиси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий М. Аҳмедов) маҳалла аҳли бутун йил давомида шуғулланиши мумкин бўлган комплекс ҳашар йўли билан барпо этилди, шахсан Мамажон Аҳмедовнинг ўзи маҳаллалардаги ёшлар билан машғулотлар олиб бормоқда. Ёки Кўқон шаҳридаги «Исфарагузар» маҳалласи, Тошкент шаҳар Шайхантоҳур тумани озиқ-овқат ташкилотига қарашли Нажмиддин Холиқов мудирлик қилаётган 4-озиқ-овқат дўкони қошида янги ҳаваскор футбол жамоаси, Собир Раҳимов туманидаги маҳалла футбол жамоаси тузилиб, Республика биринчилигида қатнашмоқда. Шунга ўхшаш мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Маҳалла—халқ қадриятларининг кўзгуси. У орзу-умидли, оқибатли, сабр-қаноатли, мурувватли одамларнинг яхши кўшничиликда ва қуда-андачиликда яшашга ундаб келади. Ана шунга узоқ йиллар давомида унча эътибор қилинмади, аниқроғи назарга олинмади.

Илгарилари маҳаллаларда болалар «Чиллак», «Оқ теракми-кўк терак», «Аҳмон-даҳмон», «Тўпни олиб қочди», «Қирқ тош», «Оқ суяк», «Арқон тортиш», «Беш тош», «Зув-зув» ўйнарди. Ҳозир эътибор берсангиз, болалар бундай ўйинларни унутиб юборганлар, ўйнашмайди. Бундай ўйинлар фақат узоқ қишлоқлардагина сақланиб қолган.

Маҳаллаларда ёшлар кўпчиликни ташкил қилади. Лекин негадир ёшлар юқоридагидай тадбирларни таш-

кил қилиш ва ўтказишда қатнашмайдилар. Аслида, бу нарса, асосий вазифа ҳисобланади-ку.

Маълумки, маҳаллалардан Руфат Рисқиев, Собир Рўзиев, Сайфутдин Ходиев, Ҳамид Раҳматуллаев, Мақсуд Шарипов, Рауф Саидов, Рустам Дўрмонов, Ҳикматулла Аҳмедов каби машҳур «юлдуз»лар етишиб чиққан ва бундан кейин ҳам етишиб чиқадилар. Ҳозирги кунда шундай донгдор спорчиларимиз иштирокида маҳаллаларда тез-тез учрашувлар, суҳбатлар, турли тадбирлар уюштирилса, фойдадан холи бўлмасди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлардаги халқ таълими муассасалари, аллақачоноқ Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисидаги Қонун»ни амалга ошириш бўйича қатор ишларни бажаришга киришган ва шунга мувофиқ қарор, тадбирлар режаси қабул қилишган. Шунингдек, туман, шаҳар халқ таълими муассасалари кенгашида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш муаммолари муҳокама этилиб, жойларда тарғибот ишлари ҳамда суҳбатлар уюштириш бошлаб юборилган.

Шу жиҳатдан оммавий спорт тадбирлари, ўқувчиларни жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига жалб этиш бўйича мусобақалар, шунингдек Республика умум-таълим мактаблари ва ҳунар-техника билим юртларининг 23 спорт тури бўйича II спартакиадаси ўтказилди.

Шунга қарамай Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг жисмоний тарбия ва спорт масалаларига оид директив ҳужжатларни бажариши халқ таълими идоралари томонидан яхши назорат қилинмай ўз ҳолига ташлаб қўйилмоқда. Масалан: Вазирликнинг 1989 йил 17 ноябрдаги «Ўқувчиларни жисмоний чиниқтириш бўйича кўрик мусобақалари ўтказиш тўғрисида»ги, 1989 йил 27 июл 319 рақамли «Танланган спорт тури бўйича» жисмоний тарбия фанини чуқур ўзлаштиришга ихтисослаштирилган синфлар ташкил этиш ҳақида»ги, ҳамда 28.06. 1993 йил 162 рақамли «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимидаги болалар ва ўсмирлар ўртасида футболни янада ривожлантириш чоралари» тўғрисидаги буйруқлари кўпчилик вилоятларда деярли бажарилмаяпти. Синфдан ва мактабдан ташқари ўтказиладиган спорт тўгаракларига ўқувчиларни жалб қилиш, Навоий, Сурхондарё, Хоразм вилоятларида жуда паст даражада бўлиб, у умумий ўқувчилар контингентининг бор йўғи 2%.ини ташкил қилади.



Мактаб ёшидаги болалар тана аъзоларининг тез ривожланиши, маълум миқдорда яшаш шароитига, фаолият характерида, қисман жисмоний тарбия воситаларининг тўғри йўналтирилганлигига боғлиқ. Олимларнинг исботлашича, ҳаракат фаоллигининг (гипадинамия) етишмаслиги, жисмоний ривожланишни тўлдириб бўлмайдиган хатоларга, танани ҳимоя қилиш кучини сусайтиришга ва саломатликни йўқотишга олиб келар; табиий морфофункционал ривожланиш даврида, махсус танлаб олинган ва тўғри меъёрланган жисмоний машқлар, организмнинг барча аъзолари функционал имкониятларни муайян даражада кўтаришга ёрдам берар; жисмоний тарбиядан ўринли фойдаланиш, ҳаётда керак бўладиган ҳаракат кўникма ва малакаларини эгаллашга ва уларнинг ҳаракат фаолиятини ҳар хил шароитда қўллай олишга кўмаклашар экан.

Халқ таълими вазирлигига қарашли 8484 мактабда 4.589.993 ўқувчи ўқиётган бўлса, булардан 4.523.911 ўқувчи жисмоний тарбия ва спорт билан доимий равишда шуғулланади. Булардан 2.034.659 таси қизлар бўлиб, улардан 1.719.723 тасини маҳаллий қизлар ташкил этади.

Бу маълумотлардан кўриниб турибдики, 66.082 та ўқувчи мактаблардаги асосий дарсларга қатнашмайди, 61 минг 774 ўқувчи махсус тиббий гуруҳга қатнаши зарур бўлган ҳолда улардан фақат 8702 ўқувчигина машғулотларга қатнамоқда. 57.390 ўқувчи эса на махсус тиббий гуруҳига, на жисмоний тарбиянинг бошқа соҳаларига жалб қилинган.

Демак, бу жойлардаги халқ таълими вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Умумтаълим мактабларида тиббий назоратни таъминлаш ва ташкил қилиш» ва махсус тиббий гуруҳларда жисмоний тарбия дарсларини ташкил қилиш ва уларни амалга оширишни мутахассисларга топшириш тўғрисидаги қўшма буйруғи ҳалигача жойида амалга оширилмаяпти, деган сўздир.

Бунинг сабаби, фақат мутахассисларни етишмаслиги ёки мактабларда тиббиёт ходимларининг вақтида ўқувчиларни тиббий кўрикдан ўтказилмаслиги билан боғлиқ бўлмай, балки жисмоний тарбия ўқитувчилари,

кил қилиш ва ўтказишда қатнашмайдилар. Аслида, бу нарса, асосий вазифа ҳисобланади-ку.

Маълумки, маҳаллалардан Руфат Рисқиев, Собир Рўзиев, Сайфутдин Ходиев, Ҳамид Раҳматуллаев, Мақсуд Шарипов, Рауф Саидов, Рустам Дўрмонов, Ҳикматулла Аҳмедов каби машҳур «юлдуз»лар етишиб чиққан ва бундан кейин ҳам етишиб чиқадилар. Ҳозирги кунда шундай донгдор спорчиларимиз иштирокида маҳаллаларда тез-тез учрашувлар, суҳбатлар, турли тадбирлар уюштирилса, фойдадан холи бўлмасди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлардаги халқ таълими муассасалари, аллақачоноқ Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисидаги Қонун»ни амалга ошириш бўйича қатор ишларни бажаришга киришган ва шунга мувофиқ қарор, тадбирлар режаси қабул қилишган. Шунингдек, туман, шаҳар халқ таълими муассасалари кенгашида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш муаммолари муҳокама этилиб, жойларда тарғибот ишлари ҳамда суҳбатлар уюштириш бошлаб юборилган.

Шу жиҳатдан оммавий спорт тадбирлари, ўқувчиларни жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига жалб этиш бўйича мусобақалар, шунингдек Республика умум-таълим мактаблари ва ҳунар-техника билим юртларининг 23 спорт тури бўйича II спартакиадаси ўтказилди.

Шунга қарамай Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг жисмоний тарбия ва спорт масалаларига оид директив ҳужжатларни бажариши халқ таълими идоралари томонидан яхши назорат қилинмай ўз ҳолига ташлаб қўйилмоқда. Масалан: Вазирликнинг 1989 йил 17 ноябрдаги «Ўқувчиларни жисмоний чиниқтириш бўйича кўрик мусобақалари ўтказиш тўғрисида»ги, 1989 йил 27 июл 319 рақамли «Танланган спорт тури бўйича» жисмоний тарбия фанини чуқур ўзлаштиришга ихтисослаштирилган синфлар ташкил этиш ҳақида»ги, ҳамда 28.06.1993 йил 162 рақамли «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимидаги болалар ва ўсмирлар ўртасида футболни янада ривожлантириш чоралари» тўғрисидаги буйруқлари кўпчилик вилоятларда деярли бажарилмаяпти. Синфдан ва мактабдан ташқари ўтказиладиган спорт тўгаракларига ўқувчиларни жалб қилиш, Навоий, Сурхондарё, Хоразм вило-



ятларида жуда паст даражада бўлиб, у умумий ўқувчилар контингентининг бор йўғи 2%ини ташкил қилади.

Мактаб ёшидаги болалар тана аъзоларининг тез ривожланиши, маълум миқдорда яшаш шароитига, фаолият характерида, қисман жисмоний тарбия воситаларининг тўғри йўналтирилганлигига боғлиқ. Олимларнинг исботлашича, ҳаракат фаоллигининг (гипадинамия) етишмаслиги, жисмоний ривожланишни тўлдириб бўлмайдиган хатоларга, танани ҳимоя қилиш кучини сусайтиришга ва саломатликни йўқотишга олиб келар; табиий морфофункционал ривожланиш даврида, махсус танлаб олинган ва тўғри меъёрланган жисмоний машқлар, организмнинг барча аъзолари функционал имкониятларни муайян даражада кўтаришга ёрдам берар; жисмоний тарбиядан ўринли фойдаланиш, ҳаётда керак бўладиган ҳаракат кўникма ва малакаларини эгаллашга ва уларнинг ҳаракат фаолиятини ҳар хил шароитда қўллай олишга кўмаклашар экан.

Халқ таълими вазирлигига қарашли 8484 мактабда 4.589.993 ўқувчи ўқиётган бўлса, булардан 4.523.911 ўқувчи жисмоний тарбия ва спорт билан доимий равишда шуғулланади. Булардан 2.034.659 таси қизлар бўлиб, улардан 1.719.723 тасини маҳаллий қизлар ташкил этади.

Бу маълумотлардан кўриниб турибдики, 66.082 та ўқувчи мактаблардаги асосий дарсларга қатнашмайди, 61 минг 774 ўқувчи махсус тиббий гуруҳга қатнаши зарур бўлган ҳолда улардан фақат 8702 ўқувчигина машғулотларга қатнамоқда. 57.390 ўқувчи эса на махсус тиббий гуруҳига, на жисмоний тарбиянинг бошқа соҳаларига жалб қилинган.

Демак, бу жойлардаги халқ таълими вазирлиги ва ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Умумтаълим мактабларида тиббий назоратни таъминлаш ва ташкил қилиш» ва махсус тиббий гуруҳларда жисмоний тарбия дарсларини ташкил қилиш ва уларни амалга оширишни мутахассисларга топшириш тўғрисидаги қўшма буйруғи ҳалигача жойида амалга оширилмаяпти, деган сўздир.

Бунинг сабаби, фақат мутахассисларни етишмаслиги ёки мактабларда тиббиёт ходимларининг вақтида ўқувчиларни тиббий кўрикдан ўтказилмаслиги билан боғлиқ бўлмай, балки жисмоний тарбия ўқитувчилари,

мактаб директорлари ва илмий мудирларини ўз бурчига, ишига, ёш авлоднинг соғлигини яхшилашга лоқайдлик билан қараётганликларидир.

Ҳозирда жисмоний тарбия ва спортни мактаб ҳаётида пухта амалга ошириш кўп жиҳатдан шарт-шароитга, спорт асбоб-анжомларига боғлиқ. Республиканинг умумтаълим мактаблари ихтиёрида 9 стадион, 4082 та спорт заллари, 8083 та баскетбол, 8568 та волейбол, 4802 та қўл тўпи, 3938 та футбол майдончалари, 41 та сув ҳавзалари мавжуд.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, ўқувчи ва ёшлар ўртасида оммавий-жисмоний соғломлаштириш ишларини олиб боришда спорт иншоотлари асбоб-анжомлари, шунингдек спорт кийимларининг етишмаслиги ишни жадаллашиб кетишига халақит бермоқда.

Шунга қарамай спорт иншоотларини ва уларни жиҳозлаш бўйича жуда кўп ишлар амалга оширилмоқда. Ватанимиз мустақилликка эришганига беш йилдан ошди. Ўтган қисқа вақт ичида қадриятларимиз бўйбастини ростлади, элимизнинг қадди тоғ каби юксалди. Бошқа соҳаларда бўлганидай, спорт тармоғида ҳам оламшумул ғалабалар қўлга киритилди. Ҳамюртларимиз Олимпиада, Жаҳон ва Осиё чемпионатлари ғолиблик шоҳсупасига кўтарилдилар.

Бундай муваффақиятнинг гарови Республика ҳукуматининг миллий спорт турларини ривожлантириш борасидаги ғамхўрлиги бўлди, яъни буюк боболаримизга, машҳур тарихий шахслар ва давлат арбобларига бағишлаб ўтказилган енгил атлетикачилар халқаро беллашувларининг анъанага айланиши шулар жумласидандир.

Ўзбекистон вакиллари юксак маҳорат намойиш этиладиган беллашувларда ҳам муваффақиятли қатнашмоқдалар. Спортчиларимиз жаҳон ва қитъа чемпионатларида, олимпиада ўйинлари ва халқаро ўйинларда қатнашиб, 686 нишон, шу жумладан: 232 олтин, 201 кумуш, 253 та бронза нишонларини олишга муваффақ бўлдилар.

Илгари Ўзбекистонни спортчиларидан камдан-кам кишига асосий команда-собиқ иттифоқ командасига аъзо бўлиш насиб этарди. Танлов ҳам жуда қаттиққўллик ва ноxолис ўтарди. Ҳозир Ўзбекистон спортчилари



ўз миллий терма командалари сафида юқори мақомдаги турнирда қатнашмоқдалар.

## ХАЛҚ МИЛЛИЙ ЎЙИНЛАРИ

Ҳар бир халқнинг ўз миллий урф-одати ва анъаналари бор. Турон замини халқларининг анъаналари қадимийлиги ва ранг-баранглиги билан алоҳида ажралиб туради. Бироқ уларнинг кўпи мустабидлик натижаси ўлароқ унутилаётган эди. Энди мустақиллик шарофати туфайли миллий қадриятларимизни қайта тиклаяпмиз.

1991 йил апрел ойидан бошлаб Жиззах вилоятининг Фориш қирларида халқ миллий ўйинлари ўтказиб келиняпти. Бу тадбирнинг ўтказилишини халқимиз мамнуният билан қўллаб-қувватламоқда. Шу боис Республика жисмоний тарбия ва спорт қўмитасида бу тадбирни янада юқори савияда ўтказишга қарор қилинди. Бу анжуманни олий даражали спорт тадбирига айлантириш мақсадида 1994 йил 5—7 май кунлари Фориш тумани Қизилқир сайилгоҳида миллий спорт ва халқ ўйинларининг биринчи олимпиадаси ўтказилди.

Олимпиаданинг асосий мақсади миллий қадриятларимизни, халқ анъаналарини тиклаш, уларни аҳоли ўртасида, айниқса мактаб ўқувчилари орасида янада кенг тарғиб қилиш, соғлом авлодни тарбиялашда қўллаш, айниқса ҳарбий чақириққача бўлган ёшларни ҳар томонлама баркамол, эпчил, чаққон, кучли, бардошли, чидамли, ботир қилиб тарбиялаш миллий спорт ва миллий халқ ўйинларининг кучли жамоаларини аниқлашдан иборат.

Олимпиаданинг ўзига хос қатор шартлари борки, унга амал қилиш, барча иштирокчилар учун қатъийдир. Яъни мусобақага махсус тайёргарлиги бўлган вилоят ғолиблари — 14—17 ёшдаги фақат умумтаълим мактаб ўқувчилари (8—11 синфдаги ўғил-қизлар) дан иборат жамоалар таклиф этилган. Баҳслар вилоятларга юборилган Низомда кўрсатилган халқ ўйинлари турлари бўйича ўтказилган. Ҳар бир ўйин учун жамоалар ўрни (балл тўплаш билан аниқланади. Мабодо жамоалар балларининг йиғиндиси бир хил бўлса, бундай вазиятларда қайси жамоа кўпроқ турлардан 1-ўринни эгаллаган бўлса ёки тенг бўлса, 2 ёки 3-ўринни) олганлигига асос бўлади.

Олимпиада дастурига қуйидаги халқ ўйинлари киритилган ва унда қатнашувчилар сони чегараланган:

I. *Ўғил болалар учун*

1. Бўрон—5 киши; 2. Чунка шувоқ—5 киши; 3. Чавандозлар—2 киши; 4. Эшак минди—5 киши; 5. Елкада кураш—2 киши; 6. Қирқ тош—3 киши.

Ўғил болаларнинг умумий сони ўнтадан ошмаслиги шарт. Улар фақат дастурда кўрсатилган барча халқ ўйинлари баҳсида иштирок этиши мумкин.

II. *Қиз болалар учун*

1. Отиб қочар—5 киши; Тортишмачоқ—5 киши (белбоғ билан); 3. Қирқтош 2х3 киши.

Қиз болалар таркиби 5 нафар қилиб белгиланади. Улар барча мусобақаларда қатнашиш ҳуқуқига эга. Дастурдаги қирқтош ўйинига 3 ўғил ва 2 қиз бир жамоа бўлиб қатнашадилар,шунингдек, жамоалардаги 2 нафари миллий кураш (бухороча ва фарғонача усулларда) биттаси тош кўтариш (16 кг) мусобақаларида беллашади. Курашда тўйларда уюштириладиган анъанавий халқ беллашувлари асос қилиб олинади.

Барча вилоятлардан келган жамоаларнинг таркиби 15 кишидан иборат бўлиши (10 ўғил, 5 қиз) ва унга бир мураббий раҳбарлик қилиши шарт.

Олимпиада қатнашчилари (мураббий ва ҳакамлар) мусобақага миллий кийимда қўйилган. Ўғил болалар оқ сурп матодан иштон, яктак ва белида белбоғи билан майдонга тушади. Қиз болалар учун атлас ёки бекасам матодан шарвар кийиш талаб этилади. Унинг ўрнига оқ сурпдан тайёрланган шарвар ва устига тушиб турадиган яктак (кофта) ҳам кийилиши мумкин. Лекин оёқ кийимлари юмшоқ бўлиши қатъийдир. Яктакнинг елка томонларига вилоят номи қизил рангда (елка ҳарфлари баландлиги 12 см, эни 1 см,кўкракда 5х0,5 см тартибда) ёзилади. Жамоа раҳбарлари, мураббий ва ҳакамлар ҳар бир ўйинга зарур бўлган шахсий жиҳозлар, асбоб ускуналар, кийим ва белбоғлар олишни унутмасинлар. Акс ҳолда мусобақага қўйилмайди.

Низомда яна ғолиб чиққан жамоаларни совға ва дипломлар билан ундан ташқари халқ ўйинлари турлари бўйича совринли ўринга сазовар бўлган қатнашчиларга «олтин», «кумуш» ва «бронза» медаллари топширилади.

Мусобақа майдони бўлган Қизилқирга шу куни



Жиззах вилоятининг барча шаҳар ва туманларидан, ҳамда вилоятлардан жамоалар ташриф буюришди. Байрамни ўтказиш ташкилий қўмитасининг раиси, вилоят ҳокимининг ўринбосари Г. Субхонова олимпиадани кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг вилоят ҳокими А. Тошкенбоев сўз олиб, барчани табриклади.

Тантанали очилиш маросимидан сўнг сайилгоҳнинг турли нуқталарида дастурга киритилган миллий ўйинлар бўйича мусобақалар бошланиб кетди. Айниқса, «Елкада кураш», «Бўрон», «Минди-минди», «Отиб қочар», «Қирқ тош», «Оёқни тўппига тегизиш», «Чўпон» ўйинлари томошабинларда катта қизиқиш уйғотди. Фориш туманидаги 1-ўрта мактаб, 30-мактаб-интернат, 59-ўрта мактаб, ҳамда Осмонсойдаги 2-ўрта мактаб ўқувчилари ва муаллимларидан ташкил топган жамоалар юқори натижаларга эришдилар.

Мусобақадан ҳар бир киши ўзига хос бир таассурот билан қайтган. Чунончи сайил ташкилотчиларидан бири Умр Исломов, Фориш туманидаги 30-ўрта мактаб жисмоний тарбия ўқитувчиси, шундай дейди:

— халқ меросини сақлаш ҳам қарзимиз, ҳам фарзимиз. Шу жиҳатдан биз шундай ўйинлар орқали уни бойитмасак, келажак авлод олдида юзимиз шувут бўлади. Биргина истагим, миллий ўйинларимиз жисмоний тарбия дарслари дастурларига киритилса. Туман ва вилоятларимизда ўйинларнинг 20—30 фоизидан (айниқса **ўқув машғулотларида**) фойдаланиб келяпмиз.

Мустафоқул Жўраев, Қашқадарё вилояти, Косон туманидаги 9-ўрта мактаб директорининг ўринбосари:

— Ўйинларимизни кузатар эканман, улар нақадар қизиқарли ва кишининг ўзига тортувчи эканлигига яна бир карра ишонч ҳосил қилдим. Форишда тетапоя қилиб юрган миллий ўйинларимиз сайили юртимизнинг бошқа ҳудудларида ёйилишига эса ҳеч шубҳа йўқ. Жумладан биз ҳам туманимиз, қолаверса вилоятимиз миқёсида шундай анжуман ташкил қилиш ниятимиз бор.

Қўйинг-чи, Қизилқирда тўпланган минглаб одамлар юзидан хурсандчилигу, табассум, меҳрибонлигу тотувлик нишоналари аригани йўқ. Мустақилликка эришилгандан кейингина ана шундай унутилаёзган анъана ва ўйинларни тиклашга муваффақ бўлдик. Бу анъана тезда бутун Республика бўйича ёйилади деган умиддамиз.

Дунёдаги ҳар бир миллатнинг ўз миллий кураши

бўлганидек, қадим турон юртликларининг ҳам фарғонача ва бухороча, деб номланган кураш турлари бор. Ҳар иккала кураш тури асрлар оша бугунги кунимизгача етиб келган. Туркий халқларнинг узоқ тарихга эга бўлган миллий спорт турларидан бири—кураш асрлар давомида ривожланиб кишиларга завқ-шавқ бахш этиб, мардларнинг майдондаги маҳоратига, матонати ва куч-қувватига гаров бўлиб келди. Турли муносабатлар билан ўтказилган халқ сайилларида курашга тушувчи полвонларнинг чиқиши энг қизиқарли ва жозибали ўйинлардан ҳисобланган ва улар эл ичида эъзозланган, ҳатто уларга миллий қаҳрамонлар сифатида қаралган эди.

Машҳур полвонлар Эрон, Туркия, Юнонистон, Ҳиндистон сингари мамлакатларга бориб ўз халқи шарафини ҳимоя қилганлар.

Миллий кураш темурийлар замонида, ундан олдин ва кейинги даврларда ҳам халқнинг севимли спорт ўйинларидан бўлиб келди. Кураш соҳасида оламга донг таратган ўзбек полвонлари тарих саҳифасида ўчмас из қолдирдилар. Бундай курашчилар номига «полвон» деган сўз рамз бўлиб келган. Ўзбек адабиётининг забардаст шоири Паҳлавон Маҳмуд ва Аҳмад полвонлар ўз даврининг енгилмас курашчилари эди.

Венгриялик машҳур ёзувчи Л. Куннинг «Умумжисмоний тарбия маданияти ва спорт» китобида бу курашнинг узоқ тарихга эга эканлигини айтади. У бу спорт тури билан Эрон, Туркия, Ҳиндистон, Ўрта Осиё яъни, Турон заминида шуғулланишгани ҳақида гапиради. Бунинг исботи учун Л. Кун Месопотамия еридан топилган эрамиздан уч минг йил илгари бронзадан ишланган икки одамнинг курашаётган ҳайкалчасини келтиради. Ҳақиқатан ҳам, бу ҳайкал фарғонача миллий кураш турига ўхшайди. Ундан ташқари бу кураш билан Европада ҳам шуғулланишган. Муаллиф ўз сўзига тасдиқ сифатида Женева шаҳрида 1857 йилда нашр этилган календардан олинган суратларни мисол келтиради. Унда Швейцария қишлоқларида бизнинг курашга ўхшаш спорт тури билан беллашаётган полвонлар тасвирланган бўлган.

Ўрта Осиё ҳудудларида мусобақалар X асрларда ҳам ўтказилганлиги ҳақида маълумотлар бор.

Ўзбекистон тўғрисида гапириладиган бўлса, Қўқон хони Худоёрхон ҳам ўз даврида ўттизга яқин полвонни



ўз қароргоҳида ушлаб, уларга ҳурмат билан қараб келган. Кекса полвонларнинг айтишича, Худоёрхон курашни жуда яхши кўрган ва у тўю томошаларда полвонларни курашга тушириб ҳузур билан томоша қилган.

Ўтган асрнинг охирида Туркистонга чет эллик полвонлар келиб, маҳаллий халққа ўз ўйинларини намойиш қила бошлайдилар.

Чунончи, 1895 йили машҳур немис полвони Руппел Тошкентга келиб, циркда ўз кучи, маҳорати билан ҳамма томошабинларни қойил қолдирган. У оғирлиги саккиз ярим пуд (133 кг) бўлган саккиз пудли чўянни икки қўли билан, 16 пудли чўянни кафти билан кўтариб томоша кўрсатган экан.

Ўша вақтларда Тошкентнинг Бешёғоч даҳасидаги Чақар маҳалласида яшаган Аҳмад полвон Толиббой ўғлининг Ўрта Осиёда курашиб, йиқитмаган полвони қолмаган эди. Немис полвони Риппел Аҳмад полвоннинг довруғини эшитиб, у билан курашмоққа жазм қилибди. «Ким йиқилса, 50 сўм беради», деб бас бойлашибди. Ўша куни, яъни 1895 йил 23 июнда циркка одам сиғмай кетган экан.

28 ёшли Аҳмад полвон эгнида оқ яхтак, белига белбоғ бойлаб ўртага чиқади. Бир оздан сўнг ичкаридан мушакларини ўйнатиб, савлат тўкиб Риппел чиқиб келади. Унинг белида тасма белбоғ ярқираб турарди. «Кимки йиқилиб, майиб бўлса, ўз гарданига» деган шарт ҳам қўйилади.

Икки забардаст полвон кураш тушаётганда циркда шундай сукунат ҳукм сурардики пашша учса ҳам биларди. Фақат онда-сонда полвонларнинг «их-их» деб қўйган товушлари эшитилиб қоларди. Орадан бир неча дақиқа ўтар-ўтмас Аҳмад полвоннинг «Ё раббим» деган нидоси янграйди. Шу дам ер ларзага келгандек бўлади. Ерда Риппел узала тушиб ётарди. Қарсак овози циркни тўлдириб юборганди.

## МИЛЛИЙ КУРАШИМИЗНИ ДУНЁ ТАН ОЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси азалдан полвонлар макони. Шу боис кураш мусобақалари ҳамиша қизғин бўлиб ўтган. Лекин собиқ тузум даврида миллий курашимизга эътибор сусайиб кетганди. Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор берила бош-

лади. «Соғлом авлод» ўсиб-улғайишида уларни ҳар томонлама кучли, эпчил, чаққон, тезкор, чидамли, ботир, қўрқмас қилиб тарбиялашда миллий курашнинг роли каттадир. Чунки миллий курашни яхши ўрганган спортчига спортнинг ва курашнинг бошқа турларини эгаллаш осон кечади.

Миллий курашни ривожлантиришда туман, вилоят, Республика даражасида, қолаверса, халқаро мусобақалар ўтказилмоқда ва тарғиб қилинмоқда.

1992 йил 9—11 август Шаҳрисабздаги «Ҳисор» ўйингоҳида миллий кураш бўйича соҳибқирон Амир Темур хотирасига бағишланган 1-халқаро мусобақа бўлиб ўтди.

Ушбу турнирга Қозоғистон, Тожикистон, Гуржистон Қирғизистон, Ўзбекистон ва бошқа давлатлар жамоалари вакиллари келишди. Жами 300 нафар мана-ман деган полвонлар Шаҳрисабзни, буюк саркарда, улуғ соҳибқирон руҳини шод этишга бел боғлаб майдонга тушдилар.

Шу ўринда «Бундай, ҳали кўз кўриб, қулоқ эшитмаган йирик мусобақани ўтказиш фикри кимда, қай йўсинда пайдо бўлди?» деган савол туғилиши табиий. Маълумки, 1991 йилда миллий кураш федерацияси ташкил топиб, анча хайрли ишларни амалга оширишга киришган эди. Шу йил июль ойининг охирида Бухоронинг Қоракўл туманида машҳур полвон, марҳум Турсунбой ота Юсупов хотирасига бағишланган халқаро мусобақа ўтказилди. Ўша ерда йиғилган курашимиз фидойилари шу каби навбатдаги йирик турнирни жаҳонгир Темур хотирасига бағишлаб ўтказишни ният қилишди. Ниятлари холис экан, Федерациянинг таклифига биноан Шаҳрисабз ҳокимияти бажону дил рози бўлди.

Бу ерда миллий курашнинг бухорача, яъни чил бериб олишиш усулида кураш тушилди. Буни Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро, Хоразм полвонлари жуда яхши билишади. Ўзи аслида чил бериб олишиш ҳам бир неча турга бўлинади: сиртдан ирғитиш, ичдан чалиш, туя чил, қоқма—аксарият полвонлар чил бериш санъатининг уста ижрочилари эканликларини намойиш этишди.

Мусобақанинг финалида спортчилар ўртасида шарафли ҳисобланган мутлоқ ғолиблик учун кураш бошланди. Беллашувда ғолиб чиққанларга Президентимизнинг махсус соврини ажратилганлиги беллашувларнинг янада қизғин тус олишини таъминлади. Ҳал қилувчи



курашда майдонга Рустам полвон билан Абдуқодир полвонлар чиқишди. Ҳаммани ҳаяжон босди. Учрашув бошлангандан кейин қирқ сония ўтар-ўтмас Абдуқодир Пирматов рақибини даст кўтариб, елкасидан ерга урди ва соф ғалабага эришди.

Турнирнинг мутлоқ ғолиби Абдуқодир Пирматов — 1967 йилда туғилган. 1991 йилда Тошкент Давлат жисмоний тарбия олийгоҳини битириб, ҳозирда шу даргоҳда дарс беради. У Ўзбекистоннинг энг кучли полвонларидан бири, 1990 йили Гуржистондаги, 1992 йили Қоракўлдаги халқаро турнирларнинг мутлоқ ғолиби. Миллий кураш бўйича бир неча бор республика чемпиони. Самбо, дзю-до бўйича спорт устаси.

1993 йил 3—4 апрель кунлари Термиз шаҳридаги «Алпомиш» ўйингоҳида Шарқнинг буюк алломаси ал Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган халқаро мусобақа бўлиб ўтди.

Мусобақага ташриф буюрган полвонлар Термиз ота қабрини зиёрат этишиб, улуғ бобомиз руҳини шод айлашди.

Мусобақада 400 нафарга яқин мана-ман деган полвонлар беллашдилар. Беллашувларда Туркманистон, Тожикистон, Афғонистон, Гуржистон давлатларидан, шунингдек, Бухоро, Қашқадарё, Хоразм, Андижон, Наманган, Сирдарё, Самарқанд, Навоий, Тошкент, Сурхондарё вилоятларидан ҳамда Тошкент давлат жисмоний тарбия институти полвонларидан қатнашдилар.

Вилоят ҳокими Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг мусобақа иштирокчилари ва меҳмонларига юборган табригини ўқиб эшиттирди:

*Азиз халқаро мусобақа қатнашчилари!*

Сиз иштирок этаётган беллашув ўзбек халқининг буюк фарзанди Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланганлиги бежиз эмас. Зеро, аллома халқимиз саломатлиги ва равнақи йўлида фаолият кўрсатиб, бу соҳада катта аҳамиятга молик рисолалар қолдирган.

Ўтказилаётган мусобақа келажакда Ўзбекистон диёрида халқ соғлиғини мустаҳкамлашга ўз ҳиссасини қўшади. Ўйлайманки, бу беллашув жисмоний тарбия ва спортнинг турмушдаги аҳамиятини янада юқори даражага кўтаришга муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Сизларни кураш бўйича халқаро мусобақанинг очи-

лиши муносабати билан қизғин қутлайман. Беллашувда бугун қатнашаётган полвонларнинг кўпчилигини келгусида жаҳон, Олимпиада ва Осиё ўйинларининг шоҳсупасида кўрамиз, деб умид қиламан.

Мусобақа жараёнида бир-бирингиз билан ҳалол, мардона ва соф инсоний муносабатларда бўлишингизни истайман. Ҳар бирингизга омад ёр бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси Президенти

*Ислом Каримов.*

Миллий кураш бўйича халқаро мусобақа қатнашчилари ҳам Ислом Абдуғаниевич Каримовга табрик йўллашди.

Ўрта аср буюк алломаси Ал Ҳаким Ат-Термизий хотирасига бағишланган халқаро мусобақада иштирок этаётган биз меҳмонлар Сизнинг қимматли табригингизни катта қувонч, ҳамда эҳтиром билан кутиб олдик. Ушбу табрик бизнинг кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшди.

Сизнинг ҳукумат раҳбари сифтида дунёда тинчликни сақлаш, халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш борасида олиб бораётган мардонавор курашингизни диққат ва хайрихоҳлик билан кузатиб боряпмиз. Ўзбекистонда миллий қадриятларни тиклаш, жумладан, миллий курашни ривожлантиришга шахсан ғамхўрлик кўрсатаётганингиздан яхши хабардормиз.

Ўзбекистон эндигина мустақилликка эришган, бозор иқтисодиётига ўтишдек мураккаб жараённи бошидан кечираётган бир пайтда Сизнинг спортга эътибор учун вақт топганингиз, маблағ ажратаётганингиз донолик ва мардликдан далолатдир.

Бу мусобақа қатнашчилари ва полвонлар Сизга миннатдорчилигимизни ўзимизнинг ҳалол, дўстона беллашувларимиз билан изҳор этамиз. Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, Сиз бош Ўзбекистон халқига тинчлик ва бахт тилаймиз.

Миллий кураш бўйича Ал Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган халқаро мусобақа муваффақиятли ўтди. Мусобақа уч гуруҳда (35 ёшгача бўлганлар, 35—45 ёшлилар, 45—60 ёшлилар), бухороча усулда олиб борилди. Ҳар бир олишувга 5 дақиқадан вақт ажратилди. Рақиблар кучи тенг келса, ғолиб ҳакамлар қарорига кўра аниқланди.



Мусобақанинг мутлоқ ғолиби Ўрол полвон Тўраев Республикамиз Президенти таъсис этган соврин — 1 миллион сўм пул билан тақдирланди. Иккинчи ўринни олган Рустам Эргашевга касаба уюшмалари федерациясининг соврини видео магнитофон ва битта чет эл телевизори. Учинчи ўринни олган Қамол Бойтўраевга Сурхондарё вилояти ҳокимининг соврини — битта туя мукофот тарзида берилди.

Шу куни минглаб томошабинлар Сурхоннинг энг олд полвони Тоир Дурдиевнинг кураш билан расмий хайрлашув маросими гувоҳи бўлишди. Тоирнинг номини воҳада билмаган одам бўлмаса керак. У қанчадан-қанча олишувларда ҳалол курашиб, эл ҳурматини қозонди. 1975 йил дзю-до бўйича собиқ ССЖи чемпионатининг мутлоқ ғолиби, ССЖи халқлари VII спартакиадаси совриндори бўлган. Тоир қаерга бормасин, ўзбекнинг орномусини ерга букмай қайтган. Шу сабаб ўйингоҳга йиғилган барча-барча оёқда тик туриб қарсаклар садоси остида Тоир полвонни спорт майдонидан кузатиб қолдилар. «Ипак йўли» банки Тоирга хориж компьютерини ҳадя этди.

Истиқлол туфайли қадриятларимизнинг узвий бир бўлаги ҳисобланган миллий курашимиз ҳам бўй-бастини ростлаяпти. Унутилаёзган қизиқарли беллашувлар, полвонлар номини ғурур билан эсга олаяпмиз.

Юқорида баён этганимиздек 1995 йил 8—9 апрель кунлари Термиз шаҳридаги «Алпомиш» ўйингоҳида Шарқнинг буюк алломаси ал Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган II анъанавий халқаро турнир ҳам бўлиб ўтди.

Турнирда Рустам полвон Эргашев мутлоқ ғолиб келиб Республикамиз Президенти таъсис этган махсус соврин—«Газ—31» енгил автомашинаси билан тақдирланди.

Энг асосийси — халқимиз, миллий кураш мухлислари қизиқарли бўлган ва юқори савияда уюштирилган катта бир турнирнинг гувоҳи бўлишди. Ушбу ва шу сингари турнирлар шак-шубҳасиз мамлакатимизда миллий курашни янада ривожлантириш, оммалаштиришга катта ҳисса қўшади деган ниятдамиз.

Меҳмонларимиз ушбу халқаро турнир ҳақида ўз фикрларини қуйидагича баён қилдилар:

Тожикистон полвонлари жамоаси раҳбари Маҳмуд Боқиев шундай дейди: «Мана икки кун мобайнида биз

катта курашнинг гувоҳи бўлдик. Анчадан буён бундай кучли турнирга қатнашмаган эдик. Тўғрисини айтсак, биз Ўзбекистонда кейинги йилларда уюштирилаётган бир қатор мусобақаларини кузатиб, сизларга ҳавасимиз келмоқда. Делегациямиз таркибида Термизга Миллий Олимпия қўмитамизнинг аъзоларидан ҳам ташриф буюришганди. Мақсадимиз, Марказий Осиё давлатлари вакиллари билан маслаҳатлашиб, Турон заминининг ифтихори—курашимизни минтақамиз доирасида бирлаштириш, ҳамкорликда унинг қонун-қоидаларини ишлаб чиқиш ҳамда жаҳон талабларига жавоб берадиган спорт тури сифатида оммалаштириш масалаларини ҳал этишдан иборат».

Туркиянинг «Ипак йўли» журнали бош координатори Али Ёлгин: «Термизга журналимиз учун мақола ва суратлар тайёрлаш учун келганман. Нашримизни Оврўпа ва Марказий Осиёнинг кўп мамлакатларида ўқишади. Ишонаманки, энди дунёнинг турли бурчакларида миллий кураш ҳақида одамлар яхшигина маълумотга эга бўлишади.

Туркияда ҳам худди сизларда бўлганидек, кураш оммалашган. Фақат қоидалари бошқачароқ, полвонлар желаксиз таналарига ёғ суриб олишади.

Насиб қилса, яна икки йилдан сўнг шу мусобақага келиб, курашиш учун ўзим ҳам гиламга чиқаман.

Чори Полвон (Туркманистон):—«Биз Термизга келиб, Шарқнинг буюк алломаси ат-Термизий мақбарасини зиёрат этганимиздан шод бўлдик.

Мусобақа ҳам юқори савияда уюштирилибди. Айниқса, курашни ривожлантириш тўғрисида ҳукумат қарори чиққани, Ўзбекистонда бу спорт турининг ниҳоятда оммалашгани, президент Ислом Каримовнинг ўз халқига буюк эътиборининг ёрқин ифодасидир», деб дил сўзларини билдирди. Бу шундан далолат берадики, миллий кураш бундан ҳам кенг оммавий тус олади.

Агар биз курашнинг икки қаноти бор дейдиган бўлсак, ўша қанотини бири бухороча кураш, иккинчиси фарғонача курашдир.

Кейинги йилларда бухороча кураш бўйича йирик халқаро ва хотиравий мусобақалар уюштирилмоқда. Уларда нафақат Марказий Осиё давлатлари балки Афғонистон, Арабистон, Гуржистон полвонлари ҳам иштирок этмоқдалар. Албатта, бу хайрли ва эзгу ишлар рўёбга чиқиши учун кураш жонкуярлар-мутасаддилари қаттиқ меҳнат қилишди. Шу боис, бу кураш айни ривожланиш палласига кирди.



Бразилияни футболсиз, Канадани муз устида хоккейсиз, Норвегияни чанғи спортисиз, Данияни қўл тўписиз, АҚШни баскетболсиз кўз олдимизга келтириш қийин бўлганидек, Ўзбекистонни миллий курашсиз тасаввур этиш мумкин эмас. Азал-азалдан Туронзамин халқлари курашни севган. Бунда кураш тушмаган ўғлоннинг ўзи бўлмаса керак. Ҳатто қизлари Барчиной бўлиб, майдонда мардлик кўрсатишган. Оилада ўғил дунёга келса, аввало «полвон муборак», деб қутлашган. Ота-она нуридийдасини «полвоним» дея эркалаган. Тўй-сайиллар беллашувсиз ўтмаган. Бир сўз билан айтганда, кураш аждодларимиз соғлом турмуш тарзининг узвий бир қисми бўлиб, фарзандларини ақлан, руҳан жисмонан камолга етказишга беминнат хизмат қилган.

Шундай экан полвонлари, ботирлари кўп элнинг шуҳрати ортади, овозаси узоқ-узоқларга кетади. Шукроналар бўлсинким, Ўзбекистон дея аталмиш муқаддас диёримизда Алпомиш келбатли, Гўрўғли қоматли, Рустам савлатли полвонларимиз кўп. Шундай азамат ўғлонларини қадрлайдиган меҳмондўст халқимиз, уларнинг бетакрор санъатини соғиниб илҳақ кутадиган гўшаларимиз бор.

Полвонларнинг тўн кийиб, белбоғ бойлаб майдонга чиқиб, чиройли усуллар қўллаб рақибини даст кўтариб ташлашлари томошабинларга ажойиб завқ бағишлайди. Айниқса соф ғалабага эришган полвонни ҳалойиқ ўз соврини билан муносиб тақдирлар экан, ҳар ким ўз кўнглига «Менинг ҳам фарзандим шундай мард полвон бўлсин» дея яхши ният тугиб қўйган бўлса не ажаб. 1995 йил 21—23 апрелда Пскентда бўлиб ўтган беллашув тугагач, вазн тоифаси бўйича қуйидагилар юқори шоҳсупага кўтариладилар: 55 кг—Саибоев Абдурасул (Пскент), 60 кг—Дўстматов Карамали (Пскент), 66 кг—Мирзаев Мирзоулуғбек (Ўз. Давлат жисмоний тарбия институти), 73 кг—Исоқов Шуҳратбек (Андижон), 81 кг—Маматов Улуғбек (Ўз. Давлат жисмоний тарбия институти), 90 кг—Файзуллаев Олимбек (Пскент), 100 кг—Тўйчиев Абдукарим (Пскент), 100 кг дан ортиқ—Тўрақулов Ахмаджон (Фарғона).

Мусобақага ташриф буюрган мутахассислар ва меҳмонлар фарғонача курашнинг бугунги куни ва келажаги ҳақида қуйидаги фикрларни билдирдилар:

Бахтиёр Ҳайдаров, Фарғона жамоаси бошлиғи, —Энг аввало кураш ташкилотчиларига ўз миннатдорчилигимизни изҳор этаман. Айниқса, вилоятлардан келган жамоаларнинг ҳар бирига алоҳида ҳомийлар бириктирилганлиги таҳсинга сазовор иш. Рости, мусобақа мобайнида кишини қувонтирадиган, дилни шод этадиган жиҳатлари билан бирга талай муаммо ва камчиликлар бор эканлигига амин бўлдим. Полвонларимиз азалдан ота-боболаримиз удумига содиқ қолиб, майдонда тўн (чопон), чолвор (иштон)да яланг оёқ курашиб келишган. Мақсадимиз фарғонача курашни жаҳон миқёсига олиб чиқиш бўлса, миллийлигимизни сақлаб қолган ҳолда кийимларимиз шаклини ҳам ўйлаб кўришимиз керак.

Бурхон Олимов, шу жамоа бош мураббийси:

—Менимча фарғонача курашда ҳам халқаро мусобақалар ўтказишимиз керак. Вилоятда бир неча йилдан бери Рустам полвон Тожиев хотирасига бағишлаб ўтказилаётган мусобақани келгуси йилдан халқаро турнирга айлантириш ниятимиз бор.

Турсунбой Ширинов, Сирдарё жамоаси бошлиғи:

— Бизнинг вилоятимиз Ҳавос, Боёвутда фарғонча кураш ривожланган туманлардан ҳисобланади. Қолган ҳудудларда ҳам тўй-ҳашамларда ўзининг эпчил кураши билан эл меҳрини қозонаётган полвонларимиз кўп. Ниятимиз бу курашни янада оммалаштириб, полвонларимиз сафини мард, довюрак йигитлар билан кенгайтириш.

Музаффар Аҳроров, Пскент тумани жамоаси бошлиғи:

— Азал-азалдан Пскент заминида донгдор полвонлар вояга етган. Шу боис биз фарғонача курашнинг ривожланиши ва оммалашишига бефарқ қарай олмаймиз. Мутасадди ташкилотлар билан келишиб, ушбу турнирни ўзимизда ўтказишга қарор қилдик. Полвонларимиз юзимизни ерга қаратишмади. Улар умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди.

Хулоса шуки, Пскентда ўтказилган бу галги мусобақа фарғонача усулда ҳам шундай катта беллашувлар, хотиравий турнирлар уюштириш мумкин эканлигига ишончли далил бўлди. Демак, бундай мусобақаларни тез-тез уюштириб туришимиз мумкин бўлар экан.



## ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТДАГИ ЮТУҚЛАР

Илгариги тузум даврида жисмоний тарбияни ривожлантиришга доир жуда яхши қарорлар қабул қилинар эди, уларнинг кўпчилиги қоғозда қолиб кетарди. Ҳозирда эса бутунлай ўзгача. 70 йилдан ортиқ вақт мобайнида спортчиларимиз бутуниттифоқ ва халқаро мусобақаларида жуда кам қатнашиб келди. Бироқ Ўзбекистон спорти 50—60-йиллардан бошлаб қийинчиликлар билан халқаро майдонга аста-секин бўлсада дадил қадам қўя бошлади. Республикамизнинг кўпгина вакиллари халқаро спорт анжуманларида ажойиб муваффақиятларга эришдилар. Ўзлари эришган ютуқлари билан Республика равнақини очиқ намойиш қилдилар.

Спорт газетасининг 1995 йил 28 апрел—4 май 17-сонида қуйидагилар ҳақида баён қилинган эди: Бокс бўйича биринчи жаҳон чемпиони Р. Рисқиевнинг юлдузи спорт осмонида равшан порлади. Жаҳон чемпионатларида Бобомурод Файзиев, Сайфиддин Ходиев, Собир Қурбонов (самбо кураши), Собир Рўзиев (қиличбозлик), Мамажон Исмоиловларнинг номи (от спорти) дунё узра янгради. Спортнинг турли соҳалари бўйича мана бу спортчиларнинг: Жамолиддин Абдужабборов, Эркин Каримов, Эркин Холиқов, Исроил Исоқов, Комил Фатхуллинларнинг номи жаҳонга танилди.

Эндиликда Ўзбекистон спортчилари собиқ тузум даврида иштирок эта олмаган барча Олимпия ўйинларида қатнашиш шарафига эга бўлмоқдалар. Республикамизнинг 50 олимпиячилари Хельсинкидан то Сеулгача мамлакат спорт шарафини муносиб ҳимоя қилдилар.

Ўзбекистоннинг 9 олимпиячилари Жанубий Кореяда 5 та олимпия медалини қўлга киритдилар. А. С. Фадзаев ва М. Х. Хадарцев эркин кураш бўйича юксак олимпия мукофотига эришдилар. Р. А. Гатаулин лангар билан сакрашда ва Н. Н.Муҳаммадёров штанга бўйича кумуш медаллар совриндори бўлишди.

Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг собиқ иттифоқ терма жамоаси таркибига кирадиган тўсиқлар бартараф этилди. Мустақил Республикамиз вакиллари қисқа вақт ичида халқаро мусобақаларда ажойиб ғалабаларга эришдилар. Лина Черязова фристайл бўйича жаҳон чемпионати ва кубоги, қишки олимпиада ўйинлари ғолиби Ҳикматилла Аҳмедов бокс бўйича жаҳон чемпионатида 2-ўринни, Ботир Мамедов таэквандо бўйича

Осиё ва Тинч Океанбўйи чемпионати ғолиби, Сергей Нодирхонов жаҳон чемпионатида 3-ўринни, Рамил Исмоилов эркин кураш бўйича ёшлар ўртасида жаҳон биринчилиги ғолиби, Наврўз Усмонов юнон-рум кураши бўйича жаҳон биринчилигида 2-ўринни, Урол Тўраев миллий кураш бўйича Президент совриня соҳиби, Юлия Янкина самбо бўйича икки карра жаҳон чемпиони, Оксана Чусовитина спорт гимнастикаси бўйича жаҳон чемпионатида 3-ўринни, Тоймурод Урусов эркин кураш бўйича жаҳон чемпиони, Алина Стергиаду Осиё кубогида 1-ўринни, Рамил Атаулин, Руслан Хинчаров эркин кураш бўйича жаҳон чемпионатида 3-ўринни эгаллаган, Иван Кипеев байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича Осиё ва Осиё ўйинлари чемпиони, Александр Манушев оғир атлетика бўйича ёшлар ўртасида жаҳон биринчилиги ғолиби, Зокиржон Шарипов самбо бўйича жаҳон чемпионати ғолибидир. буларнинг номини яна давом эттиришимиз мумкин. Мана шундай муваффакиятлар Республикамиз мустакилликка эришгандан сўнг кўлга киритилди. айникса Президентимиз И. А. Каримов жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга бераётган эътибори фарзандларимизнинг хар томонлама ривожланган, бакувват, кучли, эпчил, чаккон, чидамли; ботир, жасур, соғлом бўлиб ўсишида айни муддао бўлди.

## ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ

«Ҳам давлат, хам ижтимоий ташкилотлар, янги пайдо бўлаётган бирлашмалар ва жамғармалар ўз кучларини мужассамлаштириб, бир ёқадан бош чиқариб, маҳалла-мактаб-оила харакатларини амалга оширишда, жисмоний бакувват, ахлоқан етук, руҳан соғлом авлод тарбиялашда ҳеч кандай куч ва маблағларни аямасликлари керак».

*Ислом Каримов*

1994 йил 26 сентябрда Республика Вазирлар Маҳкамасида Хиросимада бўладиган XII Осиё ўйинларига жўнаб кетаётган Ўзбекистон спортчилари делегацияси билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда ёш мустакил давлатимиз вакиллари Осиё қитъасидаги бу йирик спорт мусобақаларида биринчи марта иштирок этаётгани алоҳида таъкидланди. Мазкур анжуманда қатнашган Бош вазир Осиё ўйинлари қатнашчиларига Президентимиз Ислом Каримовнинг энг яхши тилакларини етказди, уларга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, Японияидаги мусобақаларда катта муваффақиятлар тилади.



Осиё ўйинлари ташкилотчиси 1949 йил 13 февралда таъсис этилган Осиё ўйинлари федерациясидир. Унинг Низоми Олимпия ғоялари асосида тузилган. Расмий тили инглиз тили ҳисобланади.

Ҳар бир мамлакат қайси турларда иштирок этишини ўзи танлайди. Лекин делегациянинг таркиби ташкилий қўмита ва Осиё Олимпия қўмитаси белгилаган сондан ошиб кетмаслиги лозим.

Қитъамизнинг камида 6 мамлакатида оммалашган, уларнинг 4 тасидан вакиллар иштирок этган тақдирда, бу спорт тури Осиё ўйинлари дастурига киритилади.

Мусобақаларда юқори ўринларни эгаллаганларни тақдирлаш маросимида совриндор спортчилар шарафига давлатларнинг байроқлари кўтарилади ҳамда ғолиблар мамлакатининг мадҳияси янграйди.

Осиё ўйинлари қачон ва қайси давлатларда ўтказилган.

1. 1951 йил, Деҳли (Ҳиндистон)
2. 1954 йил, Манила (Филиппин)
3. 1958 йил, Токио (Япония)
4. 1962 йил, Жакарта (Индонезия)
5. 1966 йил, Бангкок (Таиланд).
6. 1970 йил, Бангкок (Таиланд).
7. 1974 йил, Теҳрон (Эрон).
8. 1978 йил, Бангкок (Таиланд).
9. 1982 йил, Деҳли (Ҳиндистон).
10. 1986 йил, Сеул (Курия).
11. 1990 йил, Бейжинг (Хитой).
12. 1994 йил, Хиросима (Япония).
13. 1998 йил, Бангкок (Таиланд).

Юртимизнинг шунқорлари биринчи марта спортнинг 24 турида (120 спортчи) қатнашдилар. Улар бу мусобақаларда жасорат, мардлик кўрсатиб давлатимиз обрўсини жаҳонга таратдилар.

Бизнинг спортчилар 1994 йил 2—16 октябрь кунлари Хиросима шаҳрида 12-Осиё ўйинларида спортнинг 34 тури бўйича ўтказилган мусобақаларда қатнашиб, ажойиб ғалабага эришдилар. Спортчиларимиз 10 та «олтин», 11 та «кумуш» ва 19 та «бронза» медалларига сазовор

бўлишиб, умумжамоа ҳисобида 42 давлат вакиллари ўртасида фахрли 5-ўринни эгаллашди.

Каноэ ва байдарка бўйича спортчиларимиз юксак натижаларга эришдилар. Иван Киреев жасорат намунасини кўрсатди. Унинг бир ўзи уч олтин медалга сазовор бўлди...

Рингга 91 кг вазн тоифасидаги Алишер Авезбоев таклиф этилди. Унинг рақиби саудия арабистонлик кучли боксчи. Қомати, мушаклари ўйнаб туриши унча-мунча боксчининг кўнглига ғулғула солади. Қолаверса, у дастлабки учрашувни нокаут билан ютганди, қолган ўйинларда ҳам катта устунлик билан ғалабага эришганди. Учрашувни дастлабки дақиқаси тенгма-тенг боргандек бўлди. Сўнгра, Алишернинг устунлиги яққол сезила бошлади. Унинг аниқ ва кучли зарбалари рақибини довдиратиб қўйди. Саудия Арабистони вакили уч марта нокдаунга учради. Алишернинг навбатдаги кетма-кет урган зарбаси уни қулатди... Ҳакамнинг тўққиз саноғида ҳам у ўрнидан тура олмади. Оғир нокаутга учраган боксчини 3—4 киши суяб, рингдан тушириб олиб кетишди. Бунинг устига футболчиларимиз ўзимизнинг ҳам, бошқаларнинг ҳам етти ухлаб тушига кирмаган ғалабани қўлга киритишди.

12-Осиё ўйинларида *«Олтин» медал олганлар.*

И. Киреев—2 та (байдарка, 500 ва 1000 метр), И. Киреев, В. Казанцев, А. Колчанов ва Тюрин (4x1000), (байдарка), А. Авезбоев ва О. Маскаев (бокс вазн 91 кг ва 91 кг дан юқори), Ш. Аҳмедов, Э. Осмонов ва М. Репичев (мерганлик 25 метр), С. Мунькова (баландликка сакраш), Р. Ғаниев (ўн кураш), О. Яричина (найза улоқтириш), А. Абдураимов, С. Атоян, Ф. Давлатов, А. Дўрмонов, Рустам Дўрмонов, С. Лебедев, Ф. Магомедов, А. Маъруфалиев, Ш. Мақсудов, Б. Оллониёзов, У. Рўзимов, А. Тихонов, А. Фёдоров, И. Шарипов, Ю. Шейкин, И. Шквирин ва М. Қосимов (футбол).

*«Кумуш» медал олганлар.* Г. Пуляев (юнон-рум кураши, 68 кг), И. Киреев, В. Казанцов, А. Колчанов ва А. Тюрин (4x500) байдарка, А. Колчанов, В. Казанцев—2 та (2x500 ва 2x1000) байдарка, Е. Астанини (каноэ, 1000), И. Исакова, И. Журавлева, Т. Левина ва И. Лялина (байдарка), 4x1000), И. Лялина (500), Ш. Аҳмедов (25), Ш. Аҳмедов, Э. Османов ва Н. Репичев (ўқ отиш 10), В. Парфёнов (**найза улоқтириш**), О. Вертелников (ўн кураш).



*«Бронза» медаль олганлар.* О. Чусовитина—2 та (спорт гимнастикаси), Ш. Худойбердиев, Б. Қурбонов (юнон-рум кураши, 52 кг ва 62 кг), Д. Ербеков ва Н. Отаев (бокс 75 ва 67 кг), Е. Кан (таэквандо, 64 кг), Д. Фролов, И. Халилов (оғир атлетика, 99 ва 108 кг дан юқори), Ш. Аҳмедов Э. Осмонов ва Н. Репичев—2 та (мерганлик, 25 ва 50 м), Е. Горелев—В. Сорокин—2 та (каноэ 2x500, 2x1000), И. Исаков—И. Журавлева (2x500), В. Шмаков ва Д. Соловьёв дзю-до, 78 ва 95 кгдан юқори), Қ. Сорнацкий (узунликка сакраш), В. Попов (Лаппак улоқтириш), В. Зайцев (Найза улоқтириш).

Олимпиада ғолиблари қадим-қадимдан ўз ватанларида худди қаҳрамондек қарши олинган. Осиё ўйинлари қитъамиз спортчилари учун олимпиада даражасидаги мусобақадир. Шу боис Хиросимада 16 кун давом этган 12-Осиё ўйинларида зафар қучган ҳамюртларимизни кутиб олиш учун Тошкент аэропортига давлат арбобларидан тортиб болалар боғчасининг тарбияланувчиларигача чиқишди. Ҳаяжонли дақиқаларда қўнишга тайёрланаётган самолётга умид кўзлари тикилди. Ниҳоят самолёт ерга қўнди. Шундан сўнг А. Азизхўжаев спортчиларимиз 12-Осиё ўйинларида олдиларига қўйилган шарафли вазифани аъло даражада бажарганини айтиб, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири (собиқ) Абдуҳошим Муталовга Хиросимадаги Осиё ўйинлари шаҳарчасида 20 кун мобайнида ҳилпираб турган Ватанимиз байроғини топширди. У спортчиларни эришилган муваффақият билан табриклади. Уларга Президентимиз Ислом Каримовнинг тилакларини етказди. Қўлга киритилган ҳар бир ғалаба Ўзбекистон довруғини оламга ёйганлигини таъкидлади. Спортчилар номидан сўзга чиққан Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси, **Республика** Миллий Олимпия қўмитаси президенти Собир Рўзиев, футбол терма жамоаси бош мураббийси Рустам Акромов, моҳир футболчи Миржалол Қосимов шундай нуфузли мусобақада қатнашишга шароит яратиб берганлиги учун ҳукуматимизга миннатдорчилик билдиришди. Спортчиларимиз бундан кейин ҳам юрт ишончини оқлашни изҳор этишди.

*Биринчи Марказий Осиё ўйинлари.*

Қадимда юнон халқи Олимпия шаҳрида оммавий мусобақалар ўтказиши билан замонавий олимпиадага асос солинганди дейиш мумкин. Шу маънода бизга омад кулиб боқди чунки, турон заминида биринчи марта Хал-

ҳаро Олимпия қўмитаси тасарруфида ўтказилаётган Марказий Осиё ўйинларини уюштириш ватандошларимиз зиммасига тушди. Демак, халқимиз яқин келажакда дунё тарихидан Тошкентиада номи билан ўрин олса ажаб эрмас.

Она-Ватанимиз мустақилликка эришгандан буён ўтган вақт давомида Республикамиз кўплаб йирик халқаро турнирлар маскани бўлиб қолди. Айниқса миллий кураш, теннис, футбол бўйича уюштирилган халқаро турнирларнинг ўтказилаётганлиги ва миллий қадриятларимиз тикланаётганлиги, спортимиз тараққиётини, юртимиздаги осойишталикни намойиш этмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Осиё ва дунё спорти тарихидан жой оладиган бундай нуфузли мусобақаларни ўтказишга мустақиллигимиз шарофати ила муяссар бўлиб, турибмиз. Мақсади, моҳияти жиҳатидан бунақа салоҳиятли спорт байрами Республикамизда илк бор ўтказилаётир. Таъбир жоиз бўлса айтиш мумкинки, бундай мусобақа келажакда Ўзбекистонда *Осиё, Олимпиада* ўйинларини ўтказиш сари ташланган дастлабки йирик қадам бўлади.

Тошкентдаги «Пахтакор» Марказий стадионида бўлиб ўтган Марказий Осиё ўйинлари тантанали равишда очилиши маросимида юртбошимиз Ислом Каримов қатнашиб нутқ сўзлади. Юртбошимиз ўз нутқида жойлардаги раҳбарларга жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, соғлом авлод тарбияси йўлида ташаббускорлик кўрсатиш давлат аҳамиятига молик вазифа эканлигини яна бир карра таъкидлаб ўтди. Халқаро Олимпия қўмитаси президенти Хуан Антанио Самаранч, Осиё Олимпия кенгаши бош котиби Ранджир Синчх Тошкент *тантаналаридан ҳайратга тушди. Айниқса* маҳоратли дорбоз Тоҳир Тошканбоев Олимп машъаласини олиб олов ёқиладиган баркаш томонга дор устидан юриб борганда мўйсафид Самаранч ҳам севинганидан чапак чалиб юборди.

Марказий Осиё баҳслари ўтказилган стадионлар мухлисларга тўлди. Милионлаб телетомошабинлар шу ўйинлар боришини кузатиб боришди. Яна қанча-қанча кишилар қалбида жисмоний тарбия ва спортга нисбатан қизиқиш ҳамда шуғулланишга мойиллик уйғонди.

Бу шуни кўрсатадики, улар эртами индин албатта ўйингоҳларга, спорт залларига келишади ва саломатликларини мустаҳкамлашга киришишади. Бу кун машғу-



лотгоҳларда дастлабки машқларни бошлаган болалар ва қизлар эртага Марказий Осиё Олимпия ўйинларида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишади. Юртимизда Халқаро Олимпия тасарруфидаги Марказий Осиё ўйинларининг ташкил қилиниши она Ўзбекистонимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнини топганидан далолатдир. Ҳали истеъдодларга бой меҳнатсевар халқимиз дунё аҳлига ундан ҳам нуфузлироқ—Осиё Олимпия ўйинларини юқори савияда ташкил этишга қодир эканлигини намойиш этади. Ишончимиз комилки, Ўзбекистон жаҳонга спорт мамлакати сифатида танилади.

Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси ушбу минтақада *Олимпия ғояларини ёйиш ва халқларни* ўзаро тотувликка ундашдек юксак, муқаддас вазифани ўз зиммасига олди. Ушбу ўйинларда иштирок этаётган Марказий Осиё давлатлари бир-бирлари билан дўстлик ва бирдамлик руҳида ишлашлари учун катта имкониятга эга бўладилар.

Осиё Олимпия кенгаши президенти Шайх Аҳмад Ал-Фахад Ал-Сабах Осиё Олимпия кенгаши гўзал Тошкент шаҳрида Марказий Осиёнинг беш республикаси—Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон иштирокида ўтадиган 1-Марказий Осиё ўйинлари дунёга келишини мамнуният билан табриклайди.

Биз бу мамлакатлар спортчиларининг Осиё чемпио*натларида ва Хиросимада бўлиб ўтган* 12-Осиё ўйинларидаги иштирокини зўр мамнуният билан кузатгандик. Шуни алоҳида қайд этишимиз лозимки уларнинг Осиё ҳамжамиятига қўшилиши Осиё спорт даражасини кўтарди.

Ўзбекистон Республикаси Миллий Олимпия қўмитаси ўз зиммасига 1-Марказий Осиё ўйинларини ўтказишдек, масъулиятли вазифани олган экан, ишончим комилки уларнинг тажрибаси ва билими туфайли бу ўйинлар юқори савияда ўтади. Бу ҳаракатнинг англаган ва қўллаб-қувватлагани учун Ўзбекистон халқидан миннатдорман.

Қирғизистон Миллий Олимпия Қўмитаси президенти: Эшим Кутманлиев: «Ўзбекистон *билан фахрланаман*» — ва шу билан бирга минтақамизда Марказий Осиё ўйинларининг ташкил этилиши ҳаммамизнинг катта ютуғимиздир. Бу ўйинлар дўстлигимизни мустаҳкамлашга, спортчиларимиз маҳоратларини яна оширишга катта ҳисса қўшади»—дейди.

Қашқадарёлик миллий кураш устаси, Хайрулло бобо-Толибхўжа ўғли, қуйидагиларни айтди.

Спорт қадим-қадимлардан эл ва элатлар ўртасида қардошлик, дўстлик ҳамда ҳамкорлик ришталарини маҳкам боғловчи сеҳрли куч сифатида тан олинган. Марказий Осиё ўйинлари деб номланган спорт анжуманининг салкам Олимпиада мақомида Тошкентда ўтказилиши ўз Истиқлолига эга бўлган Ўзбек диёри қадди камолотини жаҳонга кўз-кўз қилаётганидан яна бир нишонадир. Шу юртнинг оддий деҳқони ва дуогўй полвони сифатида Марказий Осиё ўйинларининг барча қатнашчиларига тангри-таоло ҳамиша бахт-омад ёр этсин дейман.

Хуллас Туркистон умумий уйимиз шиори остида 1-Марказий Осиё ўйинларининг 12-спорт тури бўйича Тошкентда ўтказилган баҳс ниҳоясига етди. У минтақамиз кучли спортчилари маҳоратларини синовдан ўтказиш билан бир қаторда Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги қардошлик, дўстлик, ҳамкорлик ришталарини янада мустаҳкамлади.

Шундай қилиб барчамизни ҳаяжонга солган 1-Марказий Осиё ўйинлари тарих саҳифасидан ўзига хос ўрин эгаллади.

Республикамиз спортчилари 1-Марказий Осиё ўйинларида, бир ҳафталик баҳслардан сўнг 158 та «олтин», 156 та «кумуш» ва 165 та, «бронза» медалини қўлга киритдилар. Қозоғистонликлар 168 та, Қирғизистонликлар 67 та, Туркманистонликлар 41 та, Тожикистонликлар 15 та медаллар билан тақдирландилар.

Мамлакатимиз спортчилари орасида моҳир мерганимиз Шуҳрат Аҳмедов энг кўп — 10 та (6 та «олтин», 3 та «кумуш». 1 «бронза») медалга сазовор бўлди. Унинг жамоадоши Энвер Осмонов 9 та, Дилшод Мухторов 6 та медаль олишга сазовор бўлдилар. Биринчи бор ўзбек қизлари Саида Искандарова ва Шаҳло Султоновалар шундай нуфузли мусобақаларда иштирок этиб, сузиш бўйича 2 марта шоҳсупанинг баланд поғонасига кўтарилишди. Шундай қилиб юртимизда спорт—тинчлик элчиси экани амалда намоён бўлиб турди.

Ўзбекистон пойтахти Тошкент шаҳридаги «Алпомиш» спорт саройида 1995 йил 1—8 октябрь кунлари бокс бўйича XVIII Осиё чемпионати бўлиб ўтди. Унда 19 мамлакатдан яъни Ўзбекистон, Қозоғистон. Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон, Покистон, Курия, Тайланд, Сингапур, Филиппин, Тайван, Хитой, Индонезия, Ироқ,



Қувайт, Ҳиндистон, Япония ва бошқа терма жамоалардан келган энг кучли боксчилар чемпионатнинг медаллари билан бир қаторда Атланта Олимпиадасига бериладиган йўлланмаларни ҳам қўлга киритиш учун рингга чиқдилар.

Шу нуқтаи назардан ҳаваскор боксчилар жаҳон ва Осиё Федерациясининг президенти профессор Анвор Чаудри Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш борасида улкан ишлар қилинаётганлигини мамнуният билан қайд этди. Шунинг учун Ўзбекистонлик боксчилар йирик халқаро мусобақаларда муваффақият билан қатнашмоқда.

Республикамиз боксчилари қитъа чемпионатига тайёргарликни анча илгари бошлаб Ҳиндистон, Тайланд, Сингапур, Туркия, Германия каби давлатларда ўтказилган қатор халқаро турнирларда совриндорлар қаторида бўлишди.

Осиё чемпионати боксчиларимизга икки томонлама масъулият юклайди. Биринчидан улар ўз она ватанимизда Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилишади. Иккинчидан, чемпионат финал жанги қатнашчилари кейинги йили Атлантада бўладиган Олимпиадага йўлланма олишади. Шунинг далили сифатида Республикамиз боксчилари Марказий Осиё ўйинларида ажойиб ғалабани қўлга киритдилар. Ўйлаймизки, қитъа чемпионатида бундан ҳам яхши ўрин олишга ҳаракат қиладилар.

Мустақил юртимизда 18-Осиё чемпионатига ташриф буюрган меҳмонлар ўз фикрларини қуйидагича баён қилишди:

Раж Кумар (Ҳиндистон), 25 ёшда, боксчи.

— Бизда ўзбекларни, Ўзбекистонни жуда яхши кўришади. Юртингиз одамларининг меҳмондўстлигига қойил қолдим.

Маҳмуд Мосидиан (Эрон) 51 ёшда, журналист.

— Биринчи бор Турон заминига келишим. Ажойиб юрт. Халқингиз маданиятда ва муносабатда эронликларнинг ўзгинаси экан.

Ёш суверен республикамиз спортининг истиқболи порлоқ. Бунда давлатнинг ғамхўрлиги, президентимиз И. А. Каримовнинг бу соҳага доимий эътибор бераётгани катта аҳамият касб этмоқда. Жисмоний тарбия ва спортда ўтказилаётган ягона давлат сиёсати кўпгина муаммоларни самарали ҳал этиш имконини бермоқда.

## МУНДАРИЖА

Кириш . . . . . . 3
Мустақиллик ва жисмоний тарбия . . . . . 5
Халқ миллий ўйинлари . . . . . . . 35
Миллий курашимизни дунё тан олмоқда . . . . 39
Жисмоний тарбия ва спортдаги ютуқлар . . . . 47
Осиё ўйинлари . . . . . . . 48

ФАХРИДДИН ХЎЖАЕВ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ**

Тошкент «Ўқитувчи» 1997

Таҳририят мудири *С. Очил.*
Муҳаррир *Б. Қодиров*
Бадиий муҳаррир *З. Абдурасулов*
Техмуҳаррир *Ш. Бобохонова*
Мусаҳҳиҳ *З. Ғуломова*

ИБ 7020

Теришга берилди 29.04.97. Босишга рухсат этилди 28.05.97. Формати 84×108 1/32 Литературная гарнитураси. Кегли 10 шпонсиз. Юқори босма усулида босилди. Шартли б. т. 2,94. Шартли кр.-отт. 3,15. Нашр л. 2,61. Тиражи 2500. Буюртма № 70

«Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома№ 12—35. 97

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Тошкент китоб-журнал фабрикасида чоп этилди. Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 1-уй. 1997.